


Боқий фикр

Давлат манфаати
эмас, аввало, инсон,
унинг ҳаёти, ҳуқуқ
ва эркинлиги энг
юксак қадрият ва
бойлиқдир.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 13-dekabr, shanba № 99 (8748)

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda



ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ФОРУМИ

Фарғонада «Биз келажакка ишонамиз!» мавзусида ёшлар форуми бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими томонидан вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ўқувчи ва талабалар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш, ёшларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Мамлакатимизда биз, ёшлар учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда, — дейди Ўзбекистон туманидаги 38-умумтаълим мактаби ўқувчиси Мухлиса Мухаммадиева.

— Олис ва чекка қишлоқларда жойлашган таълим масканларидаги шароит ҳеч бир шаҳарникидан қолишмайди. Ёш авлод келажаги йўлида улкан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиладиган шундай юрт фарзанди эканимиздан фахрланамиз.

Тадбир доирасида ёшлар Фарғона шаҳрида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири
М.КОДИРОВ (ЎЗА)
олган сурат.

ЯХШИ МУТАХАССИСГА ИШ ТОПИЛАДИ

бу ҳақиқатни Қарши саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари теран англаган ҳолда чуқур билим олиб, касб-ҳунар ўрганишяпти

3-бет

ФАЙЗУ БАРАКА ТИМСОЛИ

5-бет

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ҚОНУНГА МУВОФИҚ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши мониторинги натижалари муҳокама этилди.

Марказий сайлов комиссияси раси М.Абдусаломов бошқарган ушбу мажлисда халқро қузатувчилар, мамлакатимиз сиёсий партиялари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон сайлов қончилигига асосан барча сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга адолатли, очиқ ва ошкора сиёсий рақобатлашиш учун тенг имконият ҳамда шароитлар яратилгани таъкидланди.

Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар шу йилнинг 15 нояб-ридан ўз сайловолди дастурларини, мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир пози-

цияларини сайловчилар ва кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган сайловолди ташвиқотини бошлади.

Сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар барча оммавий ахборот воситаларида алифбо тартибда чиқиш қилмоқда. Ушбу тартибга мувофиқ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг материаллари эълон қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Kuch — bilim va tafakkurda

ТАЪЛИМДА ТАШАББУСЛАР ҚАДРЛАНАДИ

Жомбой туманидаги мактабларда «Биз, ота-оналар фарзандларимиз тарбияси ва билим олишига бефарқ эмасмиз!» шиори остида мунтазам равишда ўтказилаётган «Очиқ эшиклар ҳафталиги» яхши натижа бермоқда

Tajriba, sinov, natija

Ўтган ўқув йилининг учинчи ва тўртинчи чораги якунида Жомбой туманидаги 46- ва 20-мактабларнинг бошланғич синфларида эксперимент сифатида «Биз, ота-оналар фарзандларимиз тарбияси ва билим олишига бефарқ эмасмиз!» шиори остида «Очиқ эшиклар ҳафталиги» ўтказилган эди. Тажриба ижобий натижа бергач, 2014-2015 ўқув йилида туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мазкур янгиликни ҳудуддаги барча мактабга жорий этди.

Унга мувофиқ, 1—4-синфларда ўқиётган 9260 нафар ўқувчининг ота-оналари биринчи чоракнинг якуний ҳафтасида мактабга келиб, фарзандининг машғулотлардаги иштирокини, очиқ дарслар ва тадбирларни кузатди, ўқитувчи билан бево-сита ҳамкорлик қилди. Тумандаги 467 нафар бошланғич таълим ўқитувчиси эса бундай қўлай имкониятдан самарали фойдаланиб, болаларнинг билимини ошириш, маънавий-ахлоқий дунёсини бойитишга интиломоқда. Бу ҳақда туман ХТМФМТЭБ бошланғич таълим методисти Сайхалбек Наримов шундай дейди:

— Ҳафталикни ўтказиш бўйича низомга кўра, мактаб директори, ўринбосарлар ва бошланғич таълим методбирлашмаси раҳбари муассасада тадбирни ташкил этиш учун масъул ҳисобланади. Улар ҳафталикни юқори савияда ўтказиш, ота-оналарга таклифномалар юбориш, ҳар бир иштирокчига «Дўстона муносабат» дафтарини тақдим этишга алоҳида эътибор қаратишди. Чоракнинг сўнгги ҳафтасида ҳар бир мактаб ҳовлиси, фойеси ва синфлардан «Биз, ота-оналар фарзандларимиз тарбияси ва билим олишига бефарқ эмасмиз!» шиори ўрин олади. Ота-оналар ва ўқувчилар ҳафта мобайнида ўтказиладиган «Очиқ эшиклар ҳафталиги»га тайёрланади. Ўқитувчилар ҳафталikka чорловчи таклифномаларни хонадонларга етказилади.

(Давоми 7-бетда.)

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ҚОНУНГА МУВОФИҚ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мажлисда сайловолди ташвиқоти бошлангандан буён ўтган давр мобайнида сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар томонидан қонунчиликни бузиш ҳолатлари қайд этилмагани таъкидланди.

Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" теле- ва радиоканалларида прайм-тайм вақтида чиқиш жадвалига риоя қилинмоқда. Бунда ҳар бир партияга бир хил эфир вақти, яъни ҳафтасига теле- ва радиозфир учун 238 дақиқадан (жумладан, кўрсатув учун 2 марта 15 дақиқадан), сиёсий партиялар етакчиларига эса 5 дақиқадан вақт ажратилган. Партияларнинг теле- ва радиороликлари беш дақиқали (ҳар бир партия учун 75 сониядан) ва икки дақиқали блокларда (30 сониядан) эфирга узатилмоқда.

Бундан ташқари, сиёсий партиялар вакиллари, депутатликка номзодлар теледебатлар ўтказмоқда.

Маҳаллий теле- ва радиоканалларда партияларнинг роликлари ягона блокда кўнига икки марта эфирга берилмоқда. Сиёсий партияларнинг вилоят органлари раҳбарлари ва маҳаллий Кенгаш депутатлигига номзодларнинг чиқишлари учун 5 дақиқа, партия фаоллари, депутатликка номзодлар иштирокидаги кўрсатув ва эшиттиришларга 15 дақиқа вақт ажратилган. Ҳар бир сиёсий партия ва депутатликка номзодлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида маҳаллий теле- ва радиоканалларда ҳафтасига жами 900 дақиқадан ортиқ эфир вақтидан фойдаланмоқда.

"Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" газеталарининг ҳар сониди сайловолди ташвиқоти материаллари чоп этилмоқда. Бунинг учун нашрларнинг иккинчи саҳифаси бепул

ажратиб берилган. Сиёсий партиялар ўз матбуот нашрлари саҳифаларида ҳам сайловчилар овози учун кураш олиб бормоқда.

Сайловолди ташвиқоти кампаниясида ташқи рекламадан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида 1212 махсус конструкция, 25 электрон мониторда ягона блокда сиёсий партияларнинг 30 сониялик роликлари намойиш этилмоқда.

Мажлисда 21-Бухоро, 34-Навоий ва 126-Темирйўлчилар округ сайлов комиссиялари раисларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияла-

ри аъзолари учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 9—12 декабрь кунлари ўтказилган ҳудудий семинар-тренингларнинг дастлабки якунлари сарҳисоб қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси вакиллари, сайлов округлари ва участкалари биноларининг техник ва ёнгин хавфсизлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг сайлов участкаларини алоқа воситалари билан таъминлаш бўйича мониторинг натижалари ҳақидаги ҳисоботлари тингланди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири

Ўқувчиларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, ижодкорликни тарғиб қилиш, қўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида илк мартаба ўтказилган "Мустақиллик — менинг тақдиримда" мавзусидаги "Баркамол авлод" болалар фестивалининг республика босқичи ниҳоясига етди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва барча вилоят "Баркамол авлод" болалар марказларининг туман ва вилоят босқичида ғолиб бўлган тўғрақ аъзолари ўз ижодий ишлари билан қатнаш-

ҳакамлар ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми Рустам Худойбергенов. — Камчилиги йўқ демайман, аммо барчасида ўзига хос тарзда иқтидор учкун жилоланиб турибди.

Жиззах шаҳридаги 11-мактаб

казиш биз ёшларнинг бурчимиз. Тарих ва география ўқитувчилари билан фотосуратлардаги қадимий обидалар ҳақида маълумот тўплаш жараёнида ўзим ҳам кўп янгилıklarдан хабардор бўлдим.

"Робототехника ва электрон ўйинчоқлар" йўналишида иштирокчилар икки гуруҳда, яъни 1-гуруҳда 6—11, 2-гуруҳда 12—16 ёшгача бўлган болалар иштирок этди. Улар ясаган ғаройиб кўринишдаги ўзинор роботлар, пулт билан бошқа-

2014-yil — Sog'lom bola yili

ЗАМОНАВИЙ МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМАЛАР

дарсларнинг қизиқарли, ўқувчиларнинг фаол бўлишини таъминлайди

Мирзо Улуғбек туманидаги 64-умумтаълим мактабида "Бошланғич таълим ўқитувчилари учун яратилган методик қўлланмалар ва дарсликларнинг мултимедиа иловаларидан фойдаланиш йўллари" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбирда Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси мутахассислари иштирок этди.

Боланинг жисмоний ва ақлий ривожланиши, хусусан, 1-синф ўқувчиларининг мактабга меҳр қўйишида дарсларнинг осон ва қизиқarli ўтилиши муҳим аҳамият касб этади. Бу бошланғич синф муаллимларидан чуқур билим, оқсак маҳорат талаб этади. 1-синф ўқитувчилари учун яратилган етти номдаги — "Саводга ўргатиш дарслари", "Она тили", "Ўқиш", "Математика", "Атроф-муҳитдаги олам", "Русский язык", "Книга для чтения" методик қўлланмалари ва мултимедиа иловалар педагогларнинг ўз фаолиятини замонавий услубда ташкил этишига ёрдам беради.

Семинар аввалида намунавий очик дарслар ташкил этилиб, методик қўлланмалар ва мултимедиа иловалардан самарали фойдаланиш усуллари амалда кўрсатилди.

— "Саводга ўргатиш" дарсида "v" харфининг ўргатилишини кузатиб, дарсда электрон ресурслардан фойдаланиш қўлаб афзалликларга эгалигига ўла ишонч ҳосил қилдик, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 286-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Диффуза Шукурова. — Болалар ҳарфнинг ёзилишини дастлаб экранда кўриб, кейин ўзлари дафтарга ёзишга ҳаракат қилдилар. Шундан сўнг ўқувчилар "v" товуши қатнашган сўзларни санашди. Топшириқларни тўғри бажарган боланинг экран орқали "Баракалла!" дея рағбатлантириб турилиши ўқишга қизиқишини янада ошириши шубҳасиз. Бундай замонавий қўлланмалар дарсининг болажонлар учун завқли ўтишини

таъминлаш билан бирга, ўқитувчининг ҳам мароқ билан сабоқ бериш имкониятини оширади.

Семинарнинг ялпи йиғилишида Республика таълим маркази директори И.Зокиров, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори Б.Абдуллаева ва бошқалар "Соглом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан халқ таълими тизимида амалга оширилаётган ишлар, жумладан, 1-синф ўқитувчилари учун яратилган етти номдаги методик қўлланма ва мултимедиа иловаларнинг бошланғич таълим сифати ва самарадорлигини оширишдаги аҳамияти хусусида сўзлашди.

— Бошланғич таълимнинг асосий мақсади болада ўқишга ижобий муносабатни шакллантириш, саводга ўргатиш, асосий математик амалларни амалда қўллаш олиш кўникмасини, мантиқий ва ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, мулоқот маданиятини оширишга эришишдан иборат. Қўлланмаларни яратиш асосида ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Республика таълим марказининг бошланғич таълим бўлими бошлиғи Назира Аҳмедова. — Айни пайтда 410 минг нусха методик қўлланманинг ҳар бири мултимедиа иловаси билан бирга ўқитувчиларга етказилди. Мултимедиа иловалар анимациядан суратлар, аудио-видеолавҳа ва мультфильмлар, ҳусниҳат намуналари ҳамда қизиқarli ўйинлар билан бойитилган.

Илхом ЖўРАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

"МУСТАҚИЛЛИК — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА"

фестивалининг республика босқичи ўз ниҳоясига етди

ди. Фестиваль ижодкорлик йўналишида "Робототехника ва электрон ўйинчоқлар", ўлкашунослик ва экология йўналишида "Ёш ўлкашунос", бадиий ижодиёт йўналишида "Ёш мусавир" ва "Либослар дизайни" тўғрақлари туркумида ўтказилди.

— Мен фаслга мос тарзда яратган либосларим билан иштирок этдим, — дейди "Либослар дизайни" йўналиши бўйича иштирок этаётган Хоразм вилояти вакили Чиннипошша Султонбоева. — Масалан, бизнинг Хоразмда Шерозий теллақ қадимдан бор. Мен ушбу теллақнинг аёлларга мослаб замонавий талқини тақлиф қилдим. Қиш фаслида қиш учун эса қўй юнғидан тайёрланган чопон гоёсини илғари сурдим. Унинг ичиндан адас матоддан тикилган қўйлақ кийилди. Чопоннинг четиди қалампир гулини акс эттирдим. Бу кийимларни бугун замонавий аёллар ҳам кийиши мумкин.

Либослар дизайни намойиш этилган катторнинг ортида ёш мусавирларнинг қалам-тасвир йўналишида тайёрлаган ижодий ишлари ўрин олган. Суратларга кўз югуртирган эканмиз, уларда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, болалик қувончлари ва қатнашчининг ўзи яшаб турган ҳудуд табиати акс эттирилганга гувоҳ бўлдик.

— Ҳар бир ўқувчининг ўзи чизган расмини таърифлашдан мустақиллик ҳақида яхшигина тўшунчага эга эканлигини кўриб қувондим, — дейди



ўқувчиси Шохжаҳон Анваров, Учкўрғон туманидаги 38-мактаб ўқувчиси Адолатхонийм Ҳамидхонваннинг расмларида ҳам ёшларимиз эришяётган ютуқлар, мустақилликнинг 23 йиллик тантаналари моҳирона акс эттирилганини кўриш мумкин.

Ўлкашунослик ва экология йўналиши бўйича тақдим этилган фотоасарларга боқиб, рангбаранг оламга кириб қолгандек сезасиз. Кармана туманидаги 15-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Жаҳонгир Аслонов ўз фотосуратларини шундай таърифлади: Мен Қосимшайх масжиди, Мавлоно Ориф Дехгироний макбараси, Нурута чашмаси ва Сармишшой дараси манзараларини акс эттирдим. Ватанимизнинг ҳар бир ғўшаси ғўзал, табиати ҳам ўзига хос. Уларни асраб-авайлаш, келажакка ет-

риладиган машиналар, атмосферага зарар етказмайдиган техник қурилмалар макетларини кўриб ҳайратланмай илож йўқ. Ғузур туманидаги 38-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Огабек Олтибоев келажакда фазогир бўлиб, ўзи ясаган робот билан космосга учмоқчи. Бошқа сайёраларга бориб, Ватанимиз байроғини қадаб келмоқчи. Пайарик туманидаги 6-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Худойёр Сайфуллаев эса экологияга зарар келтирмайдиган ҳам машина, ҳам самолёт вазирасини бажарувчи қурилма иختиро қилибди.

Фестиваль сўғида ғолибларга махсус диплом ва эсдаларга совғалари топширилди.

Райхона ХЎЖАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири
В.ГРАНКИН олган сурат.

2014-yil 13-dekabr, № 99 (8748)

«...Эшитдингизми, Тоғай тракторчининг кечагина коллежни битириб, тadbirkorlikни бошлаган ўғли ана-мана дегунча «Ласетти» олибди. Тунов кунининг мевани қайта ишлаш кичик корхонасига хорижлик ишбилармонлар ҳам келганмиш. Ҳалоли бўлсин, иш кўрсатгандан кейин роҳатини ҳам кўрсин-да...».

«...Қайси кун телевидордан кўрсатишди, қаршилик талаба қиз «Ёш тadbirkor — юртга мададкор» танловида ўз бизнес режасига асосан 17 миллион сўм грант ютиб олиб, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кичик корхонасини ташкил этибди. Бугунги кунда у тенгқурлари учун 8та иш ўрни ҳам яратишга улғурибди. Қандини урсин!...».

«...Сиз бунини айтасиз, ғузорлик коллеж ўқувчиси, ўзи ташкил этган кичик корхонасида бира тўла 12 турдаги экспортбop совун маҳсулотлари ишлаб чиқариб, ҳаммани қойил қолдирди. Бу ҳақда газета-журналларда ёзишяпти, телевидорда қайта-қайта кўрсатишяпти. Бугунги ёшларимиз зукко ва шижоатли. Илоҳим, уларга кўз тегмасин!...».

Кунда бўлмаса, кунора одамлар орасида фарзандларимиз ҳақидаги ҳайрат ва ҳавасга йўрилган шундай фикрларни эшитиб қоламиз. Бундай мисолларни истаганча давом эттиришимиз мумкин. Лекин мақсади-миз бу эмас. Мақсади-миз — ана шу сўзлар замиридаги ёруғ кунлар, кенг имкониятлар ва фаровон турмушимиз моҳиятини англаш, ўғил-қизларимизнинг тadbirkorликда, касб-хунарда, билимда, илм-фан ва техникада, спортда, кўйинги, барча жабҳаларда эришяётган ютуқларини таъкидлашдир.

Уйлаб кўринг, бундан бор-йўғи чорак аср илгари биз ким эдик? Фарзандларимиз тугул дуру жаҳоҳирга кон юртимизни ким ҳам танир эди? Бугунги кунда буюк истиқлол туфайли жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга хос ўрин ва обрўга эга бўлиб бормоқдамиз. Бунда ёшларимизнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунончи, касб-хунар коллежларида тайёрланаётган кичик мутахассисларнинг мамлакат иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси анчагина салмоқли бўлаётганига барчамиз бирдек шохидимиз. Сўзимиз исботини биргина Қарши саноат касб-хунар коллежи мисолида кўрсак, мамлакатимиз иқтисодиётини кўтариш йўлида ушбу ўқув муассасаси 16 йилдан буён 8 мингдан зиёд кичик мутахассислар тайёрлаб берганинг гувоҳи бўламиз.

Касб-хунар коллежи «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси эҳтиёжлари асосида ташкил этилган бўлиб, асосан нефть-газ ва кимё саноати корхоналари-га кичик мутахассислар тайёрлашга ихтисослаштирилган.

Айни кунда ўқув даргоҳи ўзaro шартномалар асосида Қашқадарё вилоятидаги йирик нефть ва газ корхоналари саналган «Шўртангаз-кимё» мажмуаси, «Қашқадарё пармалаш ишлари» очик акциядорлик жамияти, Косон нефть ва газ қудуқларини синаш ва мустаҳкамлаш экспедицияси, Қарши механика-таъмирлаш заво-

кунда коллежда бўлиб, касб-га доир машғулотлар олиб боришади. Ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини ошириб боришга ҳаракат қилишади. Бундан ташқари, диплом ҳимоясида компания вакиллари иштирок этиб, билимли ва салоҳиятли кадрларни тайлаб оладилар. Шу боис ҳам ўқувчилар мутахассисликка оид фанларни алоҳида кунт билан ўрганишади. Гигант корхоналарда ишлашини ўзи бўлмаслигини улар коллежнинг дастлабки босқичларида сабоқ олиб бошлагандаёқ англаб етади.

— Коллежимизда тайёрланаётган кичик мутахассисларга бўлган эҳтиёж жуда

ларимиз ҳали амалиёт ўташ

давридаёқ ўзларининг доимий иш ўринларига эга бўлишмоқда. Албатта, бунинг учун ўқувчиларимиздан чуқур билим ва салоҳият талаб этилади. Уларнинг бу каби талабларга жавоб беришларида ўқув жараёнида олган билимлари қўл келадилар, албатта. Биргина 2013-2014 ўқув йилида коллежимизда 518 нафар кичик мутахассис тайёрланди. Улар вилоятимиздаги 58 та корхона ва ташкилотларда жумладан, «Шўртангаз-кимё» мажмуасида 144 нафар, «Қашқадарё пармалаш ишлари» очик акциядорлик жа-

Milliy dastur — amalda

ёшлар билан суҳбатлашган чоғимизда яна бир бор амин бўлдик.

— Биргина ана шу корхонага бу йил коллежимизнинг нефть ва газ қудуқларини бургулаш техниги йўналиши битирувчиларидан 23 нафари ишга қабул қилинди, — дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Фахриддин Норқулов. — Ёшларимиз ўзларининг билими, лаёқати ва тиришқоқлиги билан замонавий ишлаб чиқаришнинг барча талабларига жавоб бермоқда. Уларнинг ҳар бирага тажрибали мутахассислардан устозлар бириктирилган. Иш жараёни «Устоз-шогирд» аънасига кўра олиб боришмоқда.


— Учинчи даражали таъмирловчи чилангар вази-фасида иш бошладим, — дейди Одилбек Аброев. — Нефть ва газ қудуқларини бургулаш жуда мураккаб жараён. Шу билан бирга, қизиқарли ҳамдир. Ушбу корхонада амалиёт ўтадим. Бир ой давомида етук мутахассислар қўлида соҳа сир-ас-рорларини ўргандим. Бу бугунги кунда ўз мевасини бермоқда. Келгусида олий таълим муассасасида ўқишни давом эттириб, севган касбининг ҳақиқий устасига айланмоқчиман.

— Поёнсиз чўл бағрида устозларим билан нефть ва газ қудуқларини бургулаш ишлари шу қадар завқли кечмоқдаки, коллежда ўқиб шу касбини танлаганимдан хурсандман, — дейди «Қашқадарё пармалаш ишлари» ОАЖда қурилмаларни бошқариш ва таъмирлаш бўйича кичик муҳандис вази-фасида ишлаётган Азаматжон Ҳамроев. — Бугун барча қизиқишларим мақсадга айланди. Элимизнинг нефть ва газга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида оз бўлса-да ўз хиссам борлигидан фахрланаман. Устозларимнинг мендан кўнгли тўқ. Бургулаш ишларини рисоладагидек бажармоқдаман. Бургулашда тупроқнинг фойдали қатлами қанча масофада жойлашгани аниқ белгилаб олинади. Кавланаётган жой атрофи тез қотувчи махсус қоршма билан пайдар-пай тўлдириб борилади. Бу навбатдаги босқич ишларини кўнгилдагидек давом эттиришда муҳим ўрин тутди. Хуллас, ишимиз жуда қизиқарли ва масъулиятли. Соҳа бўйича коллежда касб-хунар ўрганаётган укаларимга айтмоқчиманки, ўқиш даврида фақат яхши ўқиш ва пухта билим эгаллашга ҳаракат қилиш керак. Ўрганганларингиз иш жараёнида ўз натижасини бермасдан қолмайд.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЯХШИ МУТАХАССИСГА ИШ ТОПИЛАДИ

бу ҳақиқатни Қарши саноат касб-хунар коллежи ўқувчилари теран англаган ҳолда чуқур билим олиб, касб-хунар ўрганишяпти



ди, «Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси ва унинг туманлардаги филиалларини мутахассислар билан таъминляпти. Кўриниб турибдики, мазкур коллежда тахсил олиб чиққан мутахассис замонавий технологияларни бошқаради. Мураккаб жараёнларда иш юритади. Шундай экан, тайёрланаётган кадрларнинг ёрли салоҳиятли ва пухта билимга эга бўлиши талаб этилади. Коллежда эса бу борада барча қулайликлар яратилганки, махсус фанлар таълими амалиёт билан уйғунлашган тарзда малакали мутахассис-педагоглар томонидан олиб борилади. Энг асосийси, зиё масканида тайёрланаётган ёш мутахассислар «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси томонидан мунтазам равишда назорат қилиб боришмоқда. Компаниянинг Қашқадарё вилоятидаги ташкилотлари мутахассислари коллеж билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Мутахассислар белгиланган

юқори, — дейди коллеж директори Бахтиёр Ашуров. — Айни кунларда ўқув муассамизда нефть ва газ қудуқларини бургулаш техниги, нефть ва газ қудуқларини синаш техниги, қўриқлаш-ёнгин алоқаси ва сигнализация тизимларидан фойдаланиш техниги, нефть ва газга кимёвий ишлов бериш ва қайта ишлаш техник-технологии, автоматика восита жиҳозлари ва назорат-ўлчов асбобларини монтаж қилиш, ишлатиш ва техник хизмат, кимёвий ишлаб чиқариш техник-технологии, компьютер ва компьютер тизимларини таъмирлаш техниги, металлургия ишлов бериш механиги каби йўналишларда «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси талабларидан келиб чиққан ҳолда кичик мутахассислар тайёрланмоқда. Қатор йиллардан буён тайёрланаётган кичик мутахассислар фаолиятига компания вакиллари юқори баҳо бериб келишмоқда. Шунинг учун ҳам битирувчи-

миятида 187 нафар, «Муборак-нефтьгаз» унитар-шўъба корхонасида 56 нафар, «Cotton Road» масъулият чекланган жамиятида 102 нафар ҳамда бошқа корхоналарда 29 нафар битирувчи ишлаб чиқариш ва битирув амалиётларини ўтади. Бунинг натижасида битирувчиларимиздан 182 нафари ўз соҳалари бўйича, 233 нафари соҳага яқин бўлган, 85 нафари ишлаб чиқариш корхоналарига ишга жойлашиб, бугунги кунда меҳнат фаолиятини олиб боришмоқда. 18 нафар битирувчи эса олий таълим муассасасида ўқишни давом эттирмоқда.

Коллеж раҳбарияти, битирувчилар, ота-оналар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг вакиллари иштирокидаги доимий ҳамкорлик ўзининг юксак самарасини бермоқда. Бунга «Қашқадарё пармалаш ишлари» очик акциядорлик жамиятида ўз меҳнат фаолиятини муваффақиятли олиб бораётган

ЎЗ КАСБИНИНГ МОҲИР ЭГАЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган «Ўз касбининг моҳир эгалари» тадбирининг куний босқичи бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маданият, санъат, илм-фан намоёндалари, турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган замондошларимиз, фаол ёшлар ва журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар Президентимиз Исроил Каримов раҳнамолигида жамиятимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, ҳар бир инсон ўзи танлаган соҳада салоҳиятини тўла намоён этиши учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва унинг жойлардаги тузилмалари жамиятимизнинг барча тармоқларида фаол меҳнат қилаётган турли соҳа ходимларини муносиб рағбатлантириш мақсадида кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Ҳар икки йилда бир марта ўтказилаётган «Ўз касбининг моҳир эгалари» лойиҳаси бунга мисолдир.

Ушбу тадбирда жорий йил таълим, фан, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш, жамоат хизмати, алоқа, авиация, темирйўл, транспорт, йўл қурилиш, агросаноат, истеъмол товарлари иш-

лаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, нефть-газ, геология, энергетика, кимё, металлургия, машинасозлик каби тармоқларда кўп йиллардан буён самарали фаолият юритиб, ўз соҳасида малака ва катта тажриба орттирган етти мингга яқин турли касб эгалари иштирок этди. Уларнинг қирқ беш нафари финал босқичи совриндори бўлди ва ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда қўimmatбахо совғалар билан тақдирланди.

— Эллик йилдан буён пахта саноати соҳасида меҳнат қилмоқдаман, — дейди совриндорлардан бири, «Ўзпахтасаноат» уюшмасига қарашли «Пахта-саноат илмий маркази» акциядорлик жамиятининг стандартлаштириш ва

метрология бўлими мудир Ақмал Аҳмедов. — Мутахассисларимиз томонидан 2010—2014 йиллар давомида пахта ва пахта маҳсулотларини стандартлаштириш, текшириш усулларини ва пахта толасининг физик-механик хоссалари давлат стандарти намуналарини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий ишланмалар бажарилди, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Соҳа ривожини, юрт тараққиётини йўналтирилган бундай ишларимиз давлатимиз томонидан муносиб қадрланаётганини кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

2014-yil — Sog'lom bola yili

Yangiliklarda yurt nafasi



Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Президент асарларини ўрганимиз» кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи якунланди.

Ўғил-қизларимизнинг Президентимиз асарларини чуқур ўрганиши, уларда илгари сурилган ғоялар моҳиятини англаб етиши, ёшларга истиқлол ғояларини сингдириш орқали уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий билимини ошириш мақсади қўзланган танловда туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган ўқувчилар бахшланди.

Ўқувчиларнинг Президентимиз асарларидан бирига доир ижодий иши — рефератини химоя қилиши, савол-жавоб ва мамлакатимиз Конституцияси, юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган муҳим воқеалар ҳақидаги билими, шунингдек, мустақиллик ёки Ватан ҳақидаги шеърни ифодали ўқиш маҳорати баҳоланди.

Гиждувон туманидаги 62-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати ўқувчиси Камрон Комилов ғолиб сифатида танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ёшлар ижод саройида пойтахтимизда бошланган «Миллий либос» республика мода фестивали доирасида сартарошлик санъати, декоратив косметика ва нейл-дизайн «Нафосат» танлови бўлиб ўтди.

Тадбир «Osiyo ramzi» Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Сартарошлар ва косметологлар уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Танловни ўтказишдан кўзланган мақсад сартарошлик, декоратив косметика устаси касбини оммалаштириш, сартарошлик санъати усталарининг ижодий маҳоратини баҳолаш, жаҳон мода саноатини ривожлантиришнинг янги йўналишларига амал қилиш, бу борада истеъдодли ёшларни кашф этиш, сартарошлик санъатининг барча йўналишларини ривожлантиришдан иборат.

Танлов якунларига кўра, эркак сартарошлар ўртасида қорақалпоғистонлик Мурод Саидмуродов, аёллар ўртасида Тошкент шаҳридан Нилуфар Абдуллаева биринчи ўринни эгаллади. Визаж номинациясида ҳам пойтахтлик Дилноза Худойбердиева ғолиб бўлди.

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан тадбиркорлар ва касб-хунар коллежлари битирувчилари иштирокида семинар ўтказилди.

Ўтган ўқув йилида Самарқанд вилоятидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини битирган ёшларнинг 5 минг 300 нафарга яқини банкларнинг имтиёзли кредити асосида тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Барча касб-хунар коллежларида битирувчиларга услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Ёш тадбиркор» хоналари ташкил этилган. Ҳар ҳафта банк ходимлари коллежларда амалий машғулотлар олиб бормоқда.

Семинарда прокуратура, савдо-саноат палатаси, солиқ ва бошқа идоралар вакиллари тадбиркорлик субъектлари манфаатларини химоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчиликдаги янгилıklar ҳақида маълумот берди.

Тадбирда вилоятидаги касб-хунар коллежларининг бир гуруҳ битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун банклардан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

Электрон ресурслардан фойдаланиш

кун тартибидagi асосий масала бўлди

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «Умумий ўрта таълим фанларини ўқитишда ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланишнинг долзарб муаммолари ва ечимлари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

«Халқ таълими тизимида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича инновациялар», «Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш» мавзусидаги маърузаларда ресурслардан фойдаланиш маданияти, илгор иш усулларига ургу берилди. Шундан сўнг иштирокчилар «Умумий ўрта таълим фанларини ўқитишда ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланишнинг илмий-методик масалалари»,

«Табиий ва аниқ фанларни ўқитишда ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги» ва бошқа йўналишдаги шўъбаларда бахс-мунозараларни давом эттиришди.

— Ziyonet ахборот-таълим портали таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда, — дейди Ziyonet ресурс марказининг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими бошлиғи Улуғбек Тайлоқов. — Порталнинг кутуб-

хона бўлимида 66 мингдан ошқ дarslikлар, ўқув ва услубий қўлланамалар каби ахборот тўпламлари жамланган, бу кўрсаткич тинимсиз ошиб бормоқда. Utube.uz таълим видео-порталида таълими оид видео-ресурслар ўрин олган. 2000дан ошқ видео-тўпламлар чет тилларни ўрганишга қаратилган. Энг сўнгги янгилıklarимиздан бири, смартфонлар учун яратилган мобил илова ҳам порталга жойлаштирилган. Бепул юклаб олиш мумкин бўлган Е-дарслик мобил иловасидан 193та darslikнинг электрон версиялари жой олган.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Фаровонлик кафолати

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «Конституция — ижтимоий тараққиёт ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусида тадбир ўтказилди.

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари

ходимлари иштирок этди.

— Демократик жамият қуришда Конституциянинг роли, ўрни бекиёс. Жамоат биришмаларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари Бош қомусимиз орқали янада мустаҳкамланган, — дейди Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедиллов. — Бу борадаги фикримиз тасдиғи тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари орқали ижтимоий шериклик тизими изчил йўлга қўйилганлигида ҳам кўринад.

Лазоқат ТУРИКОВА

Ҳамкорлик натижа беради

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини оширишда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва идоралар, нодавлат ташкилотлар вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этди. Семинар давомида одам савдосининг олдини олиш, давлат ва жамоат ташкилотлари

ўртасидаги ҳамкорлик тажрибаларини ўрганиш, муаммоларни таҳлил қилиш борасида фикрлар билдирилди.

— Ҳозирда одам савдосидан жабрланаётган аёлларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолатини аниқлаш, муайян соҳада қўллаб-қувватлаш бўйича ҳудудларда

бир қанча тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда, — деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова.

Тадбирда ҳамкор ташкилотларнинг амалда бажараётган ишлари бўйича ҳисоботлар берилиб, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шўғулланишлари учун кўрсатилаётган ёрдамлар санаб ўтилди.

Чарос НИЗОМИДДИНОВА,
«Ma'rifat» мухбири



Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Шаҳноза Иброҳимова пойтахт-тимиздаги 105-умумтаълим мактабидан бошланғич синф ўқувчиларига инглиз тилидан сабоқ беради. Машғулотларни интерфаол усулда, қувноқ уйинлар асосида олиб боради. Ахборот-коммуникация воситаларидан самарали фойдаланиб, чет тилидаги сўзларни осон, ёдда қоларли қилиб тушунтиради. Айниқса, инглиз тили тўғрисида машғулотлари кизиқарли олиб борилади бўлажонларга манзур бўлмоқда. 2-синф ўқувчиларига диалог тузиш ҳамда суҳбатлашиш қоидалари пухта ўргатилаётгани ўғил-қизларнинг билимини мустаҳкамлаб, тил ўрганишга иштиёқини оширмоқда.

2014-yil 13-dekabr, № 99 (8748)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз 2015 йилни "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилганида Халқаро анжуманлар саройи олқишларга тўлиб кетди. Бу энди тантанали мажлисдаги гап. Телевидение орқали бу янгилик маълум қилинганда бутун мамлакат аҳлининг қалби қувончга тўлди.

Рости, Конституция байрами ақинлашган сайин каттаю кичик "Билмайсизми, янги йил қандай аталар экан?" деб бир-бириндан сўрай бошлашди. Ахир йил бўйи юртимизда эътиборда турадиган масала нима бўлиши ҳаммани қизиқтиради-да. Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги нишонланадиган йилда қайси соҳа ёки йўналиш умумхалқ назарида бўлар экан, деган савол қўлғилимизда турарди.

Давлатимиз раҳбари "Кексаларни эъзозлаш" масаласини йилимиз учун устувор вазифа этиб белгиларди. Демак, Ўзбекистон Республикасида яшаётган ҳар бир инсонга, барча касб ёки соҳа вакилларига бирдай тааллуқли мавзу шиор қилиб олинди.

Аслида ҳам ёши улуг инсонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимиз менталитетида хос фазилат эканлигини яхши биламиз. Оилада ота-онанинг ўрни, иззати алоҳида. Эҳтимол, кейинги йилларда замон цивилизациянинг юқори нукталарига кўтарилиши сабабли бундай муносабатларда ўзгаришлар рўй бергандир. Мамлакатимизда кексаларни эъзозлаш устувор вазифага айланиши эса азалий қадриятларимиз янада буй кўрсатишга имкон яратди.

Келинг, Тошкент шаҳрининг Чуқурсой мавзесидаги Гулзор маҳалласида ҳар ҳафтдан ибрат бўлаётган Тўлағановлар хонадони билан яқиндан танишайлик. Оиланинг отаси — сарвари Абдуқаҳҳор ака Тошкент автономия йўллар институтини да кўп йиллар ёш авлод тарбияси билан машғул. Шахло опа эса Тошкент давлат иқтисодиёт университетида фаолият юритган. Ўзлари ишлаган олий таълим муассасаларида талабаларга таълим-тарбия бериш асосида ўз уйларида солиҳ фарзандларни тарбиялаш борасида чинакам намуна бўлдилар. Хонадонда шунақа ажойиб муҳит яратилгани,

бу ошённинг ёзилмаган тартиб-қоидаларига биноан, ҳамма нарса эзгуликка, яхшиликка хизмат қилади.

Эрталабки нонушанинг ўзи ҳақиқий ҳаёт мактаби. Дастурхонга биринчи бўлиб ота, сўнг она кўл узатади. Кейин ўғил-қизлар, набиралар тамадди қилишни бошлайдилар. Чой қуйилган пиёла тавозе билан Абдуқаҳҳор акага, Шахло опага узатилади. Ишонасизми, мана шу

кўринишингиз яхши, эсон-омон этиб келганингиздан ҳаммамиз мамнунмиз" деган маъно мужассам биргина сўзда. Шундай қадр-қиммат, ўзаро ҳурмат-иззат қирқикки йиллик биргаликда умр кечириш асносида вуҷудга келди.

Четдан қараган одам ушбу оила вакиллариинг муоамаласидан ҳамма нарса "аъло" даражада экан деб ўйлаши мумкин. Йўқ, ҳаёт йўли давомиди қийинчиликлар ҳам бўлди, турмуш ташвишлари оиланинг ҳар бир аъзосини синовдан ўтказди. Эҳтимол, ўша қийинчиликлар хонадон аҳлининг янада меҳрибон, янада иноқ бўлишига сабаб бўлгандир. Нима бўлмасин, ҳеч ким босиб ўтган йўлдан афсусланмайди. Аксинча

— Шеър ёзишга ундовчи илҳом нима? — деб сўрасангиз:

— Албатта, умр йўлдошим-да, — деб жавоб беради Абдуқаҳҳор ака.

Ҳа, иҳодга ундовчи қалбларда фақат эзгулик, бунёдкорлик туйғулари ниш уради. Бундай ҳисларни қадрлаган оиладан ҳам яхшилик, нур-зиё таралади.

Хонадон соҳиби футбол мусобақаларини зўр иштиёқ билан томоша қилади. Ахир Ўзбекистон заминидан бутун ўзбэк эътиборини жалб қилган спортчилар, айниқса, ёшлар чиқаётгани ватанпарвар ҳар бир инсонда ифтихор туйғуларини юксалтиради. Оила аъзолари ҳам хонадон соҳибидан ибрат олиши табиий.

ФАЙЗУ БАРАКА ТИМСОЛИ

чо й узатишда ҳам бир олам меҳр, чексиз ҳурмат намоён бўлади. Пиёлаи кўлга олган ёши улугларнинг "Раҳмат, қизим" дея лутф этиши ёруғ хонадондаги файзга кўт-баракат қўшгандай бўлади. Отанинг "Ўғлим, ишларинг яхшими?" деган саволига Абдуманнон "Раҳмат, ҳаммаси жойида", деб жавоб беради. Сўнг фарзанд ота-онасига иш жойидаги муваффақиятлар ҳақида сўзлайди. Ота "Маъкул, эл-юрт дуосини олсанг, кам бўлмайсан" дея мамнун бўлади. Таомилга кўра, ҳеч ким дуо бўлмадасан дастурхон атрофидан туриб кетмайди. Ишга, ўқишга борувчилар одоб билан хайрлашиб йўлга отлашади.

Шахло ая ўғил-қизлари, келинлари, куёвлари, набираларини қайта-қайта дуо қилади. Шу эзгу истак уларнинг кулоғида кун бўйи жақ-жанглаб туради. Абдуқаҳҳор ака кўчадан уйга қайтаётган лаҳзаларда хонадон бекаси табассум билан пешвоз чиқади. Оила бошлиғи останада ҳатлаганда "Келдингизми?" деган калом янграйди. Шу бир оғиз сўзда қанча-қанча маъно бор. "Яхши ишладдингизми, чарчаб қолмадингизми, тан-жонингиз соғими, йўлда хормаддингизми,

қалбларда гурур туйғуси жўш уради.

Дарвоқе, Абдуқаҳҳор ака қалб тори авж пардага кўтарилганда кўлига қоғоз-қалам олиб, шеърини сатрлар битади. Инсонга илҳом қачон келади? Қачон ҳаётдан мамнун бўлганда. Шеър ёзиш худди бозорга бориб

Не бахтки, Ўзбекистонда шундай муҳит, вазият яратилганлики, кексаларни эъзозлашда шу пайтгача ечимланган муаммоларни ҳал қилишга давлат идоралари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, сизу биз — ҳамма бирдай йўналтирилади.

рўзгор учун қундалик эҳтиёж моллари каторида чамандек очилган гулларни ҳам харид қилгандай гап. Айтайлик, муҳаббат ҳақида шеър ёзишни кимлардир ўн саккиз ёшлиларнинг иши деб ҳисоблар. Абдуқаҳҳор ака эса етмишни қоралаганда ҳам маҳбубаси шаънига дил изхорини ажиб завқ билан битади. Ватанга муҳаббат, инсонга эҳтиром, одамийликнинг юксак қадрият эканлиги, фарзанднинг ширин мева каби лаззати оқсоқол ижодининг асосий мавзуларидир.

Оилада набиралар рисоладагидек муҳитда тарбия қиришмоқда.

— Данагидан мағзи ширин деганлари тўғри экан, — дейди Абдуқаҳҳор ака. — Фарзандларимиз йиллар ўтгандан кейин бирдан катта бўлиб қолганди. Набиралар эса кун сайин, соат сайин қандай ўсаётгани кўз олдимизда содир бўлмоқда. Гулининг очилишини тикилиб томоша қилиш қандай бўлса, болаларимиз болалари ана шундай эътиборимизда. Шуларга қараб, танимда куч-қувват кўпаяди, шуларнинг бахтли турмуши ҳаётга завқ-шавқимни оширади.

Бутун онгли ҳаётини болалар тарбияси билан бағишлаган бир инсонни яхши биламан. У киши узоқ йиллар Жиззах туманидаги 17-мактабда директорлик қилди. Таълим-тарбияни намунали йўлга қўйиш борасида бутун вилоятда ўзига хос тажриба мактабини яратди. Устоз раҳбарлик қилаётган ўқув муассасаси мамлакат миқёсидаги "Йил мактаби" танловида биринчи ўринга муносиб кўрилди. Қўчқор Исомов Президентимиз Фармонида биноан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвони билан тақдир-

Munosabat

ланди. Шу инсон яқинда пенсияга чиқибди. Йиллар мобайнида орттирилган обрўининг кучи шундаки, ҳозир ҳам Хайробод кишлоқ фуқаролар йиғини худудига тегишли муҳим масала бўлса, албатта, Қўчқор ака билан маслаҳат қилишади.

Хўш, пенсияга чиққан одамнинг турмуш тарзи қандай кечади? Кимдир жамоат иши билан овунса, бошқа биров улфатлар билан гурунларга боради. Шу маънода Қўчқор акадан сўраб кўрдик. Жавоб шундай бўлди:

— Набираларни боғчага, мактабга обориб қўяман. Уларни уйга олиб келаман. Дарсларни қандай ўзлаштираётганлари ҳам диққат эътиборимда. Кунлар шу тарзда ўтаётти.

— Демак, педагогик фаолиятингиз давом этаётган экан-да, — сўраймиз суҳбатдошимиздан.

— Бунинг учун ҳеч ким ойлик тўламаяпти, — дея ҳазил қилади Қўчқор ака. — Бир кун келиб соғлом ва билимли болалар шу жамиятга наф келтиришса, бундан ортик бойлик бўлмаса керак.

... Ҳаёт сип-силлиқ текис йўлдан иборат эмас. Турмуш асносида тез-тез турли қийинчиликлар, муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Не бахтки, Ўзбекистонда шундай муҳит, вазият яратилганлики, кексаларни эъзозлашда шу пайтгача ечимланган муаммоларни ҳал қилишга давлат идоралари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, сизу биз — ҳамма бирдай йўналтирилади.

Оилада ҳар бимиз катта ҳаётий тажрибага эга, турмушимизни маънавий юксалтиришга бекиёс ҳисса қўшаётган ёши улуг инсонларни давраларнинг тўрига ўтказамиз, дил-дилдан эҳтиром кўрсатамиз. Кексаларнинг ҳаётимиздаги бекиёс ўрни ҳақида Президентимиз жуда ҳаётий гапларни айтиб келмоқда. Шулардан келиб чиқиб, биз, ҳар доим ўзимизга шундай саволни қўйсак: "Мен кексаларни эъзозлаш учун нима қилдим?". Биргина шу савол олдида виждонимиз пок, юзими ёруғ бўлса, янада янгидан-янги марралар сари дадил илдамлаймиз.

Шухрат ЖАББОРОВ

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИ ижодий ишларда намоён бўлди

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, «Камолот» ЁИХ, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюشمаси ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида ташкил этилган «Конституция — бахтимиз пойдевори» кўрик-танловининг республика босқичи Яккасарой туманидаги 144-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда ўғил-қизлар иншо ва тасвирий санъат йўналишларида ўзаро беллашдилар.

— Танлов ўқувчиларнинг ижтимоий-сиёсий билимини оширибгина қолмай, балки уларнинг иқтидор ва қобилиятини юзага чиқариш имконини ҳам бермоқда, — дейди Халқ таълими вазирлиги маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи Жамолдин Камолов. — Мазкур ҳуқуқий саводхонлик баҳси иштирокчиларининг йил сайин ортиб бориши танлов нуфузининг янада ортаётгани,

нидан дарак беради. Жорий йил қуйи босқичларда иштирок этган ўқувчилар сонининг тўрт миллиондан ошгани ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир.

Танловнинг тасвирий санъат йўналишида Бухоро шаҳридаги 34-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ҳамрохон Олимова биринчи ўринга лойиқ топилди. Кейинги ўринлар пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 223-мактаб ўқувчиси Маърифат Жалилова ва Нукус шаҳридаги 2-ИДУМ ўқувчиси Бибимарям Жабборберганаевага насиб

этди. «Ноанъанавий асар муаллифи» номинацияси бўйича Қизилтепа туманидаги 6-умумтаълим мактаби ўқувчиси Дилшода Ҳошимова ғолиб чиқди.

Иншолар йўналишида Учқўрғон туманидаги 13-мактаб ўқувчиси Муштарий Адхамжонованинг ижодий иши биринчи ўринга муносиб топилди. Қарши шаҳридаги 22-мактаб ўқувчиси Мўхлиса Бердиназарова ҳамда Жиззах шаҳридаги 11-мактаб ўқувчиси Маъмура Файбуллаева иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. «Энг чиройли иншо муаллифи» номинациясида эса Учтепа туманидаги 62-мактаб ўқувчи-



си Мўхлиса Эшонова ғолиб бўлди.

Танлов якунида ташкилотчилар томонидан ғолиб ва совриндорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири,
Б.РИЗОКУЛОВ
олган сурат.

6-синфда она тили фанидан дарс ўтилмоқда. Доскага набира-сининг қўлидан тутган бобо, турли касб ходимлари, ҳайвонлар, ўқув қуроллари ва бошқа нарсаларнинг суратлари илинган. Ўқитувчи дастлаб ўқувчиларга от сўз туркумининг луғавий шакллари батафсил тушунтирди. Сўнг мавзуни мустақамлаш

мавзу мазмунини очиб берди.

Денов туманидаги 2-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Моҳира Темирова ўқувчиларга ҳар бир мавзуни интерфаол, ноанъанавий усуллар орқали тушунтиришга, дарсларга ижодий ёндашишга ҳаракат қилади. Замонавий метод ва ахбор

Tajriba

ўтган "Сифат. Сифатларнинг ясалиши" мавзусидаги машғулот ҳам эътироф этилди.

— Тасвирий ифода бола қалбига тез кириб боради ва мавзуни тушунтиришда қийинчилик туғдирмайди, — дейди Моҳира Темирова. — Шу боис дарсларимда суратлардан

ШАҲАРДА БИРИНЧИ, ВИЛОЯТДА ИККИНЧИ

Жиззах шаҳридаги 22-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқувчилари «Президент асарларини ўрганамиз» кўриктанловида ҳар йили фаол қатнашиб келмоқда. Ўтган йили Нурмуҳаммад Пардаев республика босқичида муносиб иштирок этган эди. Бу йил эса Диёр Бурҳонов ва Ҳуснора Жуманова бу борадаги билимларини намойиш қилишга астойдил киришган.

Ютуқлар тасодифан бўлмайди. Бунинг учун тинимсиз меҳнат, ҳаракат керак. Мактабда ўғил-қизларга давлат ҳуқуқи асослари, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фанларидан тажрибали педагоглар сабоқ бериб келмоқда. Таълим муассасасида ҳуқуқий саводхонлик хонаси ташкил этилиб, зарур ўқув қуроллари билан жиҳозланган.

Ҳафтанинг ҳар душанбаси маънавият дарси билан бошланади. Педагоглар ўқувчиларга Асосий қонуни-миз ва Бола ҳуқуқлари халқаро конвенцияси

мазмун-моҳияти ҳақида тушунчалар берилади. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида савол-жавоблар ўтказилади. Шунингдек, Президентимиз асарлари ҳақида алоҳида тушунча ва маълумотлар берилади. Дарслар ўқувчиларнинг ёшига қараб маъруза, амалий машғулот, АКТ ва кўргазмалар воситалар ёрдамида олиб борилади.

Ҳозир мактабда «Президент асарларини ўрганамиз» кўриктанловида ўқувчиларни тажрибали педагог Феруза Пардаева тайёрламоқда. У шогирдлари билан «Мен депутат бўлсам!», «Мамлакат тараққиётида менинг ўрним» каби лойиҳалар бўйича баҳс-мунозара ва семинар-тренинглар ўтказмоқда. Ўқувчиларнинг сиёсий саводхонлигини ошириш мақсадида ҳуқуқшунослар, депутатлар, ҳуқуқ тартибот идоралари хо-

димлари, маҳалла фаоллари ва «Қамолот» ЁИХ вакиллари билан учрашувлар ўтказилаётир. Жумладан, Жиззах давлат педагогика институтининг профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида «Қадимги дунё тарихи фанидан изланишлар» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Тадбирга бағишлаб тайёрланган тўпламга мактаб ўқувчиларининг 17та мақоласи киритилди. Муҳаммад Алиқулов, Рўзигул Бобоева каби ўғил-қизларнинг ижодий ишлари долзарблиги билан ажралиб туради.

Жиззах шаҳридаги 22-ИДУМда ёшларнинг ҳуқуқий билимини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг ўқувчилар турли кўрик-танлов ва мусобақаларда қўлга кири-таётган ютуқлар саломидан ҳам билиш мумкин. Мактабнинг рейтинг кўрсаткичлари бўйича шаҳарда биринчи, вилоятда эса иккинчи ўринни эгаллаш ҳам фикримиз исботилди.

Абдусаттор СОДИКОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ТАСВИРИЙ ИФОДА

бола қалбига йўл очади

учун ўқувчиларга саволлар билан мурожаат этиди. Гуруҳларга бўлинган ўқувчилар бирма-бир доскага чиқиб, суратларни кўрсатган ҳолда саволларга жавоб бера бошлади:

— Қариндошлик даражасига кўра шахс отларига қайси сурат мисол бўла олади?

Ўқувчи қўлидаги таёқча орқали бобо ва набиранни, она, опа суратини кўрсатди.

— Касб-корига кўра шахс отларига-чи?

Ҳозиржавоб ўқувчи дарров заргар, шифокор, ҳисобчи тасвирига ишора қилди.

Муаллима шу тариқа суратлар орқали

рот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланаётгани ўқувчиларнинг фанга қизиқишини янада оширмоқда. Шу боис муаллиманинг илғор иш услуби вилоят миқёсида оммалаштирилди.

Муаллима 6-синфда она тили фанидан ўтган «Отларнинг луғавий шакллари» мавзусидаги тажриба-тадқиқот дарсини вилоят педагоглари кузатиб бордилар. Унинг «Фотосуратни ўқиш», «Ақлий ҳужум» интерфаол усуллари, «Бу сўз бизники» ўйини кузатувчиларда катта қизиқиш уйғотди. 7-синфда

кенг фойдаланаман. Турмуш ўртоғим физика фани ўқитувчиси, бўш вақтларида расм чизишни яхши кўради. Мавзуга оид суратларни тўплашда у кишининг ёрдамига таянаман.

Ўттиз беш йиллик педагогик тажрибага эга ўқитувчининг собиқ ўқувчилари орасидан кўплаб таниқли олимлар, шифокор ва ўқитувчилар етишиб чиқиб, республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривож, баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Зулфия МҲМИНОВА

Мироншоҳни боғчага беришди-ю, катталарнинг қалбига хавотир ўрлади: «Уззукун эътиборда бўлган, ҳали остона ҳатлаб кўчага чиқмаган, тенгдошлари билан дўстлашиб, бегоналар билан тиллашиб ҳадисини олмаган эркатой боламиз боғчага мослаша олармикан?». Аммо уларнинг хавотири ўринсиз бўлиб чикди. Мироншоҳ «Боғчага бормайман», деб хархаша қилмас эди. Аксинча, барвақт уйғонадиган, овқатини ҳам ич-жиқлик қилмай еб, боғчага чиқиб кетадиган бўлди. Бундай ўзгариш ота-онани ҳайрон қолдирди. Айниқса, эрталаб туриб юз-қўлини ювган, катталарга салом бериши, мустақил равишда кийиниши бувисини қувонтирди...

Боғча ҳовлиси узра қувноқ куй таралади. Болаларнинг шодон кулгиси куйга ҳамоҳанг бўлиб, кўнглига чексиз завқ бағишлайди. Гуруҳларда машғулотлар қизган. Бухоро шаҳридаги «Қалдирғоч» номи 16-мактабгача таълим муассасасида кун ана шундай файзли ва шуқуҳли бошланади. 320 ҳажми ўғил-қиз ҳар бир дақиқасини завқли, мазмунли ўтказиб ўтганини гулгун чехраларидан ҳам билса бўлади.

— Муассасамизда таълим-тарбия ўзбек ва рус тилларида олиб борилади, — дейди МТМ мудираси Зебинисо Чориева. — Айни пайтда 12та гуруҳда 16 тарбиячи иш олиб бормоқда. Улар машғулотларни

«СИРЛИ САНДИҚЧА»

кичкинтойларда ҳаётини кўникмаларни шакллантиришга ёрдам бермоқда

«Болажон» дастури асосида юқори савияда ташкил этишга интилади.

Гуруҳларда машғулотларни кузатиш. Тайёрлов гуруҳида «Болани бешикка белаш» мавзусида саҳналаштирилган дарс ўтилатган экан.

— Болажонлар, бугун бизникига меҳмон келади. Шунинг учун аввал уйни тозалаймиз, ширилик пишириб, дастурхон безатамиз. Қани, Севинч, сен ҳовли супур. Дилдора, гулларга сув куй. Камол, хонтахтани жойлаштир, Ситора, кўрпачаларни ёз...

Тарбиячи барча болаларга иш тақсимлади. Улар вазибаларни завқ ва масъулият билан бажаришди. Меҳмонлар келишгач, тавозе билан дастурхонга тақдир этилди. Маросим бошланди, кайвони буви болани беланчакка беллади. Бешик устидан шириликлар сочилди. Кейин чақалоққа алла айтиб ухлатишди. Маросим тугагач, мезбонлар меҳмонларни иззат-икром билан кузатишди.

— Машғулотларни миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳамоҳанг олиб боришга интиламиз, — дейди тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Гулчеҳра Раҳмонова. — Саҳна кўринишлари асосида бола ҳам ўйнайди,

ҳам урф-одатларимиздан хабардор бўлади.

Катта гуруҳлардан бирида тарбиячи Гулбаҳор Баротова «Дори ва маиший кимё воситалари» мавзусида машғулот ўтатди.

— Болажонлар, соғлом, бақувват ва эпчил бўлишимиз учун қандай қоидаларга риоя қилишимиз керак?

Кичкинтойлар кўл кўтариб, бирма-бир жавоб беришди:

— Тоза ва озода юришга...

— Ўз вақтида овқатланишга...

— Бадантарбия қилишга...

— Баракалла, — тарбиячи болаларни олқишлади. Кейин уларга расмларни кўрсатди. Биринчи расмда кўп асал еб қорни оғриб қолган айик, иккинчисида ёнғок чақаман деб тишини синдирган олмаҳон, яна бирида пичоқ билан қўлни кесиб олган мушукча тасвирланган эди. Кичкинтойлар уларнинг ҳар бирини шарҳлаб беришди. Шундан сўнг тарбиячи янги мавзуга сирли кўприк қўйди.

— Болажонлар, биласизми, Доктор Войноним бизга «Сирли сандиқча» юборибди, — деди у қўлидаги қутичани кўрсатиб. — Қани, очиб кўрайлик-чи, ичида нималар бор экан?

Кичкинтойлар сандиқча ичидаги совун, тиш пастаси, кир ювиш кукунни, хлорамин ва дориларга диққат қаратишди. Тарбиячи уларнинг ҳар бирига шеърини таъриф берди. Мустақамлаш қисмида саҳна кўриниши орқали шифокорга кўнғироқ қилиш, ҳароратни ўлчаш, биринчи ёрдам кўрсатиш, дори-дармон ва кир ювиш воситаларидан ўринли фойдаланиш каби кўникмаларни шакллантиришга ҳаракат қилишди.

— Ҳар қандай вазиятда болаларни эҳтиёткорликка, тасодифий ҳодисалар пайти ўзини тутта билиш ва ҳимоя қилишга ўргатиб бориш зарур, — дейди муассаса педагоги Флюра Ҳамидова. — Тарбиячиларимиз болалар онгига бу кўникмаларни сингдиришда воқеабанд ўйин ҳамда эртақлардан фойдаланишмоқда.

Тарбиячи Надежда Монич ва Раъно Ботирова раҳбарлигидаги тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари саёҳатга отланишди.

— Муассасамиз яқинида жойлашган 21- ва 23-умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Тарбияланувчиларимиз ойда бир марта мактабларда бўлиб, у ердаги муҳит билан яқиндан танишади, — дейди Раъно Ботирова. — Машғулотларни синфхоналарда, спорт зали ва кутубхонада ташкил этамиз. Бу мактабга қадам қўйиш арафасида турган тарбияланувчиларда ўқувчилик кўникмаларини шакллантиради.

Ирода ОРИПОВА,
«Ma'rifat» мухбири

2014-yil 13-dekabr, № 99 (8748)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Туманимиз таълим муассасаларининг рейтинг кўрсаткичи вилоятда иккинчи ўринда. Бу натижага эришишимизда эндигина амалиётга жорий этилган ҳафталикнинг ҳам ўрни бор, — дейди Жомбой ХТМФМТТЭ бўлими мудир Азимжон Солиев. — Ўқувчиларнинг билим олишга қизиқиши, ўқитувчининг дарс бериш маҳорати, ота-оналарнинг фарзандига эътиборини янада ошириш, илғор ўқитувчилар ва қобилиятли болаларни аниқлаш, «Оила-маҳалла-мактаб» ҳамкорлигини мунтазам равишда самарали йўлга қўйишда ҳафталик янги имкониятларни юзага чиқаради.

Ўғил-қизларнинг ўқишга масъулиятини кучайтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, бунинг учун оила ва таълим муассасасида зарур шарт-шароит ҳамда маънавий муҳитни яратиш ҳам тажрибадан кўзланган мақсаднинг мантикий давомидир. Айни пайтда биринчи чорак якунидаги ҳафталикда иштирок этган ота-оналар ва ўқитувчилар ушбу орзу-истаклар рўёбга чиқаётганини таъкидлашмоқда.

ЧАКИРИКДАН ЁКИМЛИ ЧОРЛОВ

46-мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси Нигора Бердиева биринчи чоракнинг якуний ҳафтасида мазкур ташаббус сабаб синфидаги 32 нафар ўқувчининг ота-оналари бир неча марта келиб, дарсда фарзандларининг иштирокини диққат билан кузатишганини айтади.

— Биз ҳафталик эълон қилинганидан руҳланиб, тadbирга ижодий ёндашдик, — дейди муаллима. — 1-синфларда «Мен инглиз тилида сўзлашишни бошладим», 2-синфларда «Чиройли ёзаман ва равоон ўқийман», 3-синфларда «Намунали тарбиявий соат», 4-синфларда «Сўз бойлигимизни оширамиз» ва «Энг кўп шеър биламан» мавзуларида қизи-

қарли тadbирлар ташкил этидик. Синфим мисолида айтадиган бўлсам, ҳар куни бир фандан очик дарс ўтказдим. Айниқса, она тили ва ўқишдан болаларнинг чиройли хусниҳатда расмга қараб баён ёзиши, матни ифодали ўқиб, ижодий ёндашув асосида ҳикоя қилиши ёки янги ҳикоялар тузиши, дарсликдан ташқари ҳар куни бирор шеър ёдлаб келиши ота-оналарда катта таассурот қолдирди. Чорак якунида мустаҳкамловчи ва такрорловчи дарслар ўтилгани учун ҳам болалар ўрганганларини дадил намойиш қилишди. Дарсларни ҳамкорликда ташкил этиш асосида дидак-

Беш кундирки, мактабга келишга вақт ҳам, имкон ҳам топаёлман. Қизимнинг дарсларда фаол қатнашиши мени руҳлантирди. Болаларимиз биз ўйлагандан ҳам кўра яхшироқ таълим олишга тганига тўла ишонч ҳосил қилдим. Ўйлайманки, бундай эзгу ташаббусларга чорловчи таклифномалар хонадонимизга ҳали кўп боради. Устозларга чуқур ҳурмат билан, Камол Қаюмов».

20-мактабнинг 1-синф ўқувчиси Шохжаҳоннинг онаси Наргиза Сатторова эса қуйидагича муносабат билдирган: «Қишлоқ мактаби бўлгани учун фарзандларимиз дарсга ўзлари му-

БИРЛАШИШ — ЎЗИШ ДЕМАК

Ҳафталикдан кейин ота-оналар мактаб билан мунтазам ҳамкорлик ўрнатиб, фарзандларининг ўқишга эътибори кучайди.

— Тўғриси, биринчи чорак якунига ҳамма ота-оналарнинг болалари ўқишга бирдек фаол кўмаклашишига эриша олмадим, — дейди 20-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Чарос Эрмамамова. — Гарчанд ҳозир савод ўргатиш даври бўлсада, барча ота-оналарни бирдек боласига эътиборини қаратишини таъминлаш

бўғинлаб ўқишга қийналаётган ўқувчиларим ҳозир равоон ўқийди. Бу ота-оналарнинг уйда болалари билан биргаликда дарс тайёрлаши, мактабда ўрганганларини такрорлаши натижа-сидир.

— Ўқитувчилар ўз ишига янада масъулият билан қарагани, ота-оналар эътибори ошгани тилга тушган, ташаббусни вилоят миқёсида оммалаштиришни қўриб чиқаямиз, — дейди Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармасининг методика маркази раҳбари Мамлакат Равшанова. — Нафақат вилоятимиз, балки республикамизнинг барча мактабларида жорий этишга арзийдиган ушбу тажриба туфайли ўқувчиларнинг таълимий кўрсаткичлари ўсади, дарслар самарадорлиги ошиб, оилада фарзандга эътибор кучаяди. Болаларнинг одоб-ахлоқи ҳам ҳавас қиларли даражада бўлади. Эндиликда «Биз, ота-оналар фарзандимиз тарбияси ва билим олишига бефарқ эмасмиз!» шиори остидаги очик эшиклар ҳафталиги ҳар чорак якунида, яъни ўқув йили мобайнида тўрт марта ўтказилади. Ҳафталикнинг охириги кунда белгиланган йўналишлар асосида намунали иш олиб борган синф раҳбарларини моддий рағбатлантириш, ота-оналарга ташаккурномалар топшириш кўзда тутилган. Фаол иштироки эътироф этилган ўқитувчи ва ўқувчилар, мактаб раҳбарлари ҳам туман ХТМФМТТЭБ томонидан фахрий ёрликлар билан тақдирланиши барчани янада руҳлантиради.

Қарс — икки кўлдан, деб кўп айтამиз-у, бу мақолнинг моҳиятини ўша кўллардан бири бўлган чуқурроқ аниқ-тиниқ, фарзандларимизнинг юксак билим ва салоҳиятини кўллаб-қувватловчи мақсадли қарсаклар янграшини таъминлайди.

Насиба ЭРХОҲОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ТАЪЛИМДА ТАШАББУСЛАР ҚАДРЛАНАДИ

Жомбой туманидаги мактабларда «Биз, ота-оналар фарзандларимиз тарбияси ва билим олишига бефарқ эмасмиз!» шиори остида мунтазам равишда ўтказилаётган «Очик эшиклар ҳафталиги» яхши натижа бермоқда

тик ўйинларга ота-оналарни ҳам жалб этдик. Улар фарзандларига ёрдам бериш, топшириқларни гуруҳ бўлиб бажариш пайтида таълим тарбия жараёнининг иштирокчиси сифатида масъулиятни ҳис қилишди.

Ота-оналарнинг ҳафталик хусусида «Дўстона муносабат» дафтарига ёзган фикрларидан ҳам тadbир нечоғлик фойдали бўлганини билиш қийин эмас. Мана, ота-оналардан бирининг дил сўзлари: «Авваллари ҳар чорак якунида ота-оналар мажлисига чақирилардик. Фарзандимизнинг баҳолар табе-лига имзо қўйиб, у-бу масалада гаплашиб, яна қайтиб кетаверардик. Ҳафталик ҳақида таклифнома келганида бу «Мажлисга келинг!» деган чақирикдан анча ёқимли эканини ҳис этдим.

стакил бориб-келишди. Шунинг учун ҳам ҳар куни ўқитувчи билан кўришиб, болаларимизнинг ўқиши ҳақида сўрашга имконият бўлмайди. Ҳафталик муносабати билан мактабга келиб, ўқитувчилар меҳнати қанчалик машаққатли эканини кўрдим. Ҳали ярим йил ўтмасдан ўғлим ва синфдошлари ўқиш, ёзишни ўрганган. Ҳатто диктант ҳам ёзишди. Инглиз тили дарсида биз, ота-оналар ҳам беллашдик. Болаларимиз чет тилини турли ҳаракатли ўйинлар ва расмлар асосида ўрганаётган экан. Улар мактабда ўрганган янги сўзларни ёдлаб олиши учун уйда ҳам такрорлатишимиз зарурлигини тушундим. Энди ҳар куни уйда фарзандим билан бирга дарс тайёрлайман».

мушкул экан. Бироқ биринчи чорак арафасида ўтказилган ҳафталикда ота-оналар фарзанди дарсларда қандай жавоб бераётгани, қайси фанлардан оқсаётгани, нималарни ўзлаштиришга қийналаётгани ва биз, педагогларнинг ҳар бир ўқувчи билан ишлашимиз, имкон қадар машғулларни қизиқарли ва ноанъанавий ўтишимизни кўргач, деярли ҳар куни мактабга келадиган бўлишди. Шунда ўқитувчилар билан ота-оналар ўртасидаги кўринмас тўсиқ йўқолиб, дўстона муносабат, ҳамкорлик пайдо бўлди. Табиийки, қишлоқ мактабида ота-оналар билан бундай мулоқотнинг йўлга қўйилиши — катта муваффақият. Натижада синфимда ўзлаштириш кескин кўтарилди,

«ЕР, ҚУЁШ ВА ОЙ»

мавзуси янги педагогик технологиялар асосида ўтилди



Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 2-«Г» синфида «Ер, Қуёш ва Ой» мавзу-

сида очик дарс ташкил этилди. Машғулотада ўқитувчи Ҳикоят Раҳимова табиат ҳодисалари ва уларнинг инсониятга таъсирини

болаларга ахборот-коммуникация воситалари, кўргазмалар куруллар орқали тушунтириб, осмон жисмларининг ҳаракатларини борасидаги тушунчаларини синовлан ўтказди. Ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб, табиатдаги ҳодисаларни ҳаётий мисоллар асосида кўрсатиб беришди.


Очик дарс сўнигида туман ХТМФМТТЭ бўлими ходимлари, ўқитувчилар ҳамда ота-оналар педагог маҳорати ва ўқувчиларнинг янги мавзунини ўзлаштириши юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.



ТАЪЛИМ СИФАТИ — КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

“Маҳорат мактаблари” фаолияти самарадорлигини янада ошириш юзасидан тавсиялар



ХТМФМТТЭ туман (шаҳар) бўлими “Маҳорат мактаблари”ни шартондан келиб чиққан ҳолда тегишли фан(йўналиш) бўйича ҳудудда 1-4тадан ташкил этади. Масалан: Навоий вилоятининг Учқудуқ туманида 19та, Қарманда 29та, Томдида 16та, Навбахорда 17та, Зарафшон шахрида 12та умумий ўрта таълим мактаби бўлгани учун йўналишлар бўйича биттадан, Қизилтепа туманидаги 38та, Қоминх туманидаги 36та, Навоий шахридаги 35та умумтаълим мактаби учун иккитадан, Нурота туманидаги 58та мактаб учун йўналишлар бўйича учтадан, Хатирчи туманида 88 та мактаб бўлгани учун йўналишлар бўйича тўрттадан “Маҳорат мактаби” ташкил этиш мумкин. “Маҳорат мактаби” ўқув-семинарларини вилоятда ҳар чоракда, туманларда икки ойда бир марта, мактабларда ҳар ойда ўтказиш самарадорлигини ошириш.

“Маҳорат мактаблари”ни белгилашда қуйидаги талабларни инобатга олиш зарур:

- умумтаълим мактаби катта йўл ёқасида ёки йўлга яқин жойлашган, транспортда боришга қулай бўлиши;
- синфхоналар, лаборатория ва компьютер хоналари, спорт зали, факултар зали, ошхона, тиббий ёрдам хонаси, қўхона ва бошқаларнинг замон талаби даражасида жиҳозланганлиги;
- ўқув биноси безатилганлиги;
- таълим муассасаси иш ҳужжатлари тартибли юритилиши;
- ўқувчи ўз фанини мукаммал биладиган, таълимдаги янгиликлардан боҳабар, дарсда техник ва ахборот воситаларидан умумий фойдалана оладиган бўлиши лозим.

“Маҳорат мактаблари” белгиланч, вилоят халқ таълими бошқармасининг буйруғи билан тасдиқланади ва вазифалар белгиланч берилди.

Вилоят “Маҳорат мактаби”даги ҳар бир фан бўйича туман “Маҳорат мактаблари”дан биттадан тажрибали, ижодкор, тренерлик қила оладиган ўқувчи белгиланади. У мактабнинг доимий аъзоси ҳисобланади ва вилоятда олган билимларини туман “Маҳорат мактаби” тингловчиларига етказиши.

Туман “Маҳорат мактаблари”даги машгулотларда барча фан ўқувчиларини иштирок этади. Ўқув-семинарлар жадвали мувофиқлаштириш кенгаши аъзолари томонидан ишлаб чиқилади. Бунда “Маҳорат мактаби”нинг

дарс жадвали ва ўқитувчиларнинг бўш вақти инобатга олиниши лозим (масалан, машгулотларни ноябрь, январь, март ойларида ўқувчиларнинг таътил кунлари ҳамда шанба кунларига мўлжаллаш мақсадга мувофиқдир). Машгулот жадвали ишлаб чиқилган, ўқув дастури олий таълим муассасаси ҳамда малака ошириш институти кафедра мудирлари, вилоят методика маркази методистлари ҳамкорлигида ҳар бир фан бўйича тузилади. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

1. Ўқитувчилар эҳтиёжини анкета саволномалари орқали ўрганиш.
2. ДТС талаблари ўзлаштирилиши мониторингини таҳлил қилиш, мураккаб мавзуларни аниқлаш.
3. Инновацион методларни ўрганиш ва уларни жараёнда татбиқ этишга оид мавзуларни белгилаш.
4. Таълим жараёнига татбиқ этиладиган АКТ ва илгор тажрибаларни ўрганиш.

Мавзулар аниқлаб олингандан сўнг ҳар бир мавзу бўйича машгулот ўтказиш шакли ва ўқувчилар белгиланади. Масалан, физика фанидан педагоглар эҳтиёжини аниқлаш мақсадига ўтказилган анкета сўровларида ўқувчилар малакаси ва касбий маҳоратини ошириш йўналишлари таҳлисланди. Унга қўра:

- ⇒ ўқитувчилар дарсларида тажрибаларини етарли даражада намойиш этмайди;
- ⇒ лаборатория ишлари кам бажарилади;
- ⇒ айримлар тест тузиш технологиясини билмайди;
- ⇒ мураккаб мавзуларга доир масалаларни еча олмайд;
- ⇒ АКТ ва компьютердан фойдаланиш малакаси етарли эмас;
- ⇒ билимлар беллашуви, фан олимпиадаси ва бошқа танловлар учун материал тузишда қийналади.

Шунингдек, 2013-2014 ўқув йилининг биринчи янги якуналари бўйича ўқувчиларнинг ДТС талабларини ўзлаштириш мониторингини натижаларида:

- 6-синфда ҳаракат тегизлигини ва турли моддаларнинг зичлигига қараб массасини аниқлашда, шунга доир масалалар ечишда;
- 7-синфда жисм тегизлиги ва тезланишини ҳисоблашда, жисмга таъсир қилувчи кучларни тўғри баҳолашда, марказга интилма тезланишини аниқлашда;
- 8-синфда электр майдон қучланганлигини аниқлашда, металлларда электр токига доир масалаларни мушоҳада қилиб, берилганларини тўғри ёзиш, ўлчов бирлигини келтириб чиқариш, натижани формулага қўйиб текширишда хатоликларга йўл қўйилган.

Аниқланган натижалар асосида физика фанидан қуйидагича режа тузилади:

№	Бажариладиган ишлар	Муддат	Бажариш шакли	Ўқитувчи исми, фамилияси ва иш жойи, лавозими
1	Физика дарсларида кўргазма, тажриба ва намойишлардан фойдаланиш (6—7-синфлар)	2014 йил декабрь	Қисқача, маъруза, амалий иш	Маърузачи: ... Амалий ишни бажартирувчи: ...
2	Физика дарсларида виртуал лабораториялардан фойдаланиш (6—7-синфлар)		Маҳорат дарси	Фан ўқитувчиси: ...
3	Физика фанидан тажрибалар ўтказиш ишланмасини ёзиш		Амалий машгулот	... табиий фанлар кафедраси ўқитувчиси: ...
4	Матбуотда фан бўйича берилган тавсиялар тўғрисида қисқача ахборот		Ахборот бериш	Вилоят методика маркази методисти: ...

Демак, режа тузишда:

1. Назарий мавзуларни белгилаш.
2. Амалий иш мавзуларини белгилаш.
3. Оқич дарслар ёки маҳорат дарслари мавзуларини белгилаш.
4. Фанга оид кўрсатма ва тавсияларни аниқлаш, шу асосида дастур тузиш мумкин.

Шунингдек, маҳорат дарсларини ўтказиш, тажриба-намойишлар кўрсатиш ва лаборатория ишларини бажариш, электрон дарслик проекцион-кўргазмали материаллар ва АКТ

дан фойдаланиш, дарсларни илгор педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, баҳолашнинг турли методлари (тестология, дикутанлар, ёзма масалалар ечиш, амалий ишлар)дан фойдаланиш, иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, улар учун мустақил ишлар ташкил этиш ва уларни турли танловларга тайёрлаш бўйича тавсиялар бериб бориш лозим.

Туман “Маҳорат мактаби” учун ўқув дастури машгулотлар икки ойда бир марта ўтказилиши инобатга олинган ҳолда тузилиши керак:

№	Бажариладиган ишлар	Муддат	Бажариш шакли	Ўқитувчи исми, фамилияси ва иш жойи, лавозими
1	Физика дарсларида кўргазма, тажриба ва намойишлардан фойдаланиш (6—7-синфлар)	Декабрь	Маъруза	ВПКҚТМОИ ўқитувчиси: ...
2	Ясси кўзгү ёрдамида ёругликнинг қайтишини ўрганиш бўйича амалий иш бажариш		Амалий	Мактаб ўқитувчиси: ...
3	Физика фанидан мураккаб масалаларни ечиш (6-синф)		Амалий	Мактаб ўқитувчиси: ...
4	Физика фанидан лаборатория иши ўтказиш ишланмасини ёзиш		Амалий	Мактаб ўқитувчиси: ...
5	Фанга оид тавсиялар тўғрисида қисқача ахборот		Ахборот бериш	Мактаб ўқитувчиси: ...
6	Физика дарсларида виртуал лабораториядан фойдаланиш (6—7-синфлар)		Маъруза	ВПКҚТМОИ ўқитувчиси: ...
7	Виртуал лабораториялардан дарс жараёнида фойдаланиш бўйича маҳорат дарси	Январь	Маҳорат дарси	Мактаб ўқитувчиси: ...
8	Физика фанидан ўқувчилар билимини тестология орқали баҳолаш йўллари		Маъруза	ВПКҚТМОИ ўқитувчиси: ...
9	Тест тузиш йўллариини ўргатиш		Амалий машгулот	Мактаб ўқитувчиси: ...
10	Фанга оид тавсиялар тўғрисида қисқача ахборот		Ахборот бериш	Мактаб ўқитувчиси: ...

Машгулот дастури бир йилга мўлжаллаб тузилиб, йил давомида янгилликлар киритиб борилади.

Туман семинаридан сўнг ўқитувчилар билимларидан дарс жараёнида фойдаланади ва ҳар ойда бир марта йиғилиб, фан методбирлашмасида ўтилган дарслар ва қўлланган методлар, воситалар ҳамда дарс кузатиш таҳлиллари бўйича мунозара ўтказилади, кенгайтирилган дарс ишланмалари яратилади. Дарс ишланмалари асосида методик кенгашда тақдимот ўтказилиб, вилоят мувофиқлаштирувчи кенгашига тақдим этилади. Ишланмалар вилоят мувофиқлаштириш гуруҳи томонидан муҳокама қилинади ва энг намуналарни Республика таълим марказига тақдим этилади ва дарс ишланмалари тўпламига киритилади.

“Маҳорат мактаблари” фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда бевосита иштирок этадиган муассасалар вазифалари:

Республика таълим маркази:

- ⇒ вилоят, туман “Маҳорат мактаблари”га масофавий методик хизмат кўрсатади;
- ⇒ эҳтиёжга қўра методик(медиа) масхулотлар билан таъминлайди;
- ⇒ энг яхши маъруза ва амалий топшириқ материалларини тегишли тартибда РТМнинг интернетдаги сайтига жойлаштиради;
- ⇒ илгор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини омаллаштиради;
- ⇒ ўқитувчилар касбий маҳорати ва ўқувчилар ўзлаштириш самарадорлигини мониторингини олиб боради;
- ⇒ самарали фаолият кўрсатаётган “Маҳорат мактаблари” иш тажрибаларини омаллаштиради.

Вилоят халқ таълим бошқармаси олий таълим муассасаси, малака ошириш институти мутахассисларининг умумтаълим мактаблари билан ўқув ва илмий-методик ҳамкорликда олиб борган ишларини мувофиқлаштириш гуруҳини шакллантиради. Бошқарма бошлиғи гуруҳ раёси, ВПКҚТМОИ ректори ҳамраис қилиб белгилашади. Аъзолар олий таълим муассасаси ва малака ошириш институти кафедра мудирлари, ўқувчиларидан белгиланади.

Мувофиқлаштириш гуруҳи ўқув жадвалларини, дастурларини, етакчи профессор-ўқитувчилар, методистлар, новатор ўқитувчилардан ўқитувчи-модераторларни белгилаш ишларини муҳокама қилади ва тасдиқлайди. Ҳар чоракда туманларда ўтказилаётган ўқувлар бўйича ҳисоботларни эшитишда ва ўқитувчиларнинг тақлифлари асосида дастурга ўзгартиришлар киритади. Дарс ишланмаларини муҳокама қилиб, энг яхшиларини РТМга тақдим этади.

Таълим сифатини оширишга оид тақлифларни жамлаб, умумлаштирилган ҳулоса тайёрлайди, энг аҳамиятлиларини омаллаштириш учун тавсия этади.

Вилоят методика маркази директори “Маҳорат мактаблари”ни ташкил этиш ва ўқувларнинг ўтказилишини таъминлашга бевосита раҳбарлик қилади ва ҳужжатларни муҳокама қилиш учун мувофиқлаштириш гуруҳига тақдим этади.

Шунингдек:

- тегишли талаблар асосида “Маҳорат мактаблари”ни белгилайди;
- олий таълим муассасалари ва ВПКҚТМОИ билан ҳамкорлик дастурини тузади;
- тренер ўқитувчилар гуруҳини шакллантиради ва мувофиқлаштириш гуруҳига тавсия этади, сўнг тегишли тартибда тасдиқлайди;
- ўқитувчиларнинг таълим сифати ва самарадорлигини оширишга доир эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида анкета сўровномасини ўтказиш ва таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг ДТС талаблари даражасида ўзлаштиришини таҳлил қилиб, машгулот дастурларини тузишда оид мавзуларни шакллантиради ва ишчи гуруҳига тақдим этади;
- ўқув дастурларини тузиш учун олий таълим муассасаси ва ВПКҚТМОИ мутахассислари, ижодкор ўқитувчилардан фанлар бўйича ишчи гуруҳларини шакллантиради ва йўналишларга масъулар бошчилигида ўқув машгулот дастурларини ишлаб чиқиб, мувофиқлаштириш гуруҳига тақдим этади;
- “Маҳорат мактаби”да бириктирилган методистларнинг ҳисоботларини эшитишда, ўқувчиларнинг ўзлаштириш бўйича ўқитувчилар

берган ҳулосаларни умумлаштириб, ҳар чоракда РТМга ҳисобот беради.

Фанлар бўйича масъул методистлар:

- “Маҳорат мактаби” машгулотларида қатнашадиган ўқитувчилар рўйхатини шакллантиради ва иштирокини назорат қилади;
- машгулотларни жадвал асосида ташкил этади, хоналарни тайёрлашда умумий ўрта таълим мактабига қўмаклашади;
- ўқитувчиларнинг олган билимларини амалиётга жорий этишга, ўқувчилар ўзлаштириш самарадорлигини аниқлашга қўмаклашади;
- илгор тажрибали, ижодкор ўқитувчилар иш тажрибасини омаллаштириш учун тақлиф қилади;
- оийлик натижаларини таҳлил этиш, методбирлашлар тақдимотини ўтказиш, уларнинг материаллари асосида умумий ҳулоса тайёрлаш ва мувофиқлаштириш гуруҳида тақдим этиш ишларини амалга оширади.

ВПКҚТМОИ кафедралари:

- “Маҳорат мактаби” ўқитувчиларининг малакаси ва касбий маҳоратини оширишга раҳбарлик қилади;
- ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати, касбий-методик ўсиб боришини кузатади ва таҳлил қилади;
- “Маҳорат мактаблари”да ташкил этилган машгулотларнинг ўқувчилар ўзлаштиришга таъсирини ўрганишда, таҳлил қилади ва методик ёрдам беради;
- таълим муассасаларининг ҳулоса ва тақлифларини ўрганиб чиқади, натижаларини илмий-методик таҳлил қилади ва асосланган амалий тақлифлар киритади.

“Маҳорат мактаби” деб белгиланган умумий ўрта таълим мактаби раҳбариятининг вазифалари:

- семинар-тренингларини ташкил этиш учун шарт-шароит яратиш;
- “Маҳорат мактаби”да ўқитувчиларнинг ўзларини қизиқтирган мавзулар, методлар ва таълим жараёнини ривожлантиришга оид масалалар юзасидан маслаҳатлар олиши ва мустақил ўрганиш учун методик ҳана ташкил этади, у ерда барча методик материалларни жамлайди, техника билан таъминлайди.

Мактаб раҳбарининг вазифалари:

- фан ўқитувчиларининг семинар-тренингларда қатнашишини, олган билим ва қўникмаларини амалиётга татбиқ этишини таъминлайди. Ўқитувчилар сон қўл бўлган мактабларда ҳар ойда 4—6 соатлик ўқувлар ташкил этади;
- ҳафтада 4 соатдан дарсларини кузатади ва таҳлил қилади, ўқитувчиларга амалий-методик ёрдам уюштиради;
- ўқувчиларнинг таълим сифатини оширишга доир тақлифларини педагогик кенгаш, методик кенгаш ййгилишларида муҳокамага қўяди;
- ўқитувчиларнинг ташаббуси ва ижодкорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди;
- ўқувчиларнинг билим самарадорлигини аниқлаш, таҳлил қилиш, ҳар ойда умумлаштирилган ҳисобот тайёрлашни ташкил этади.

Мактаб ўқитувчиларининг вазифалари:

- “Маҳорат мактаби” машгулотлар дастуриини тузишда ўз эҳтиёжлари асосидаги тақлифларини фан методбирлашмаси орқали тавсия этади;
- ўқув машгулотларида фаол қатнашади, педагогик инновация ва технологиялар, методларнинг мазмунини ўрганиб, амалиётга татбиқ этади;
- ўқувчилар билимдаги ўзгаришларини мунтазам ўрганишда, методлар таъсирини, ўзлаштириш даражаси ва сифатини кузатиб боради;
- дидактик талабларга, ўқитиш методи ва шаклларида риоя қилган ҳолда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси, сифатига қараб, ўз ҳулосаларини беради, кенгайтирилган дарс ишланмаларини методбирлашмага тақдим этади;
- Бугун ўқувчилар берилган билим, қўникма ва малакаларни қай даражада ўзлаштиришда, қайси жойда хатоликка йўл қўйдим?”, “Яхши натижага эришиш учун яна қандай ишларни бажаришим керак?”, “Дарсда нима мени ҳайратга солди, нима хурсанд қилди,

қандай муаммо, савол ва шубҳалар туғилди?” каби саволларни ўзига бериши, натижалардан ҳулоса чиқариши лозим.

Вилоят “Маҳорат мактаби” фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга оид баъзи ҳужжатлардан намуна

Вилоят халқ таълими бошқармаси

2014 йил 15 августдаги №148-сонли

БҲҲҲҲҲ

Таълим сифатини оширишда олий таълим муассасалари ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан ўқув ва илмий-методик ҳамкорлигини мувофиқлаштириш тўғрисида

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ва масъулиятини, замонвий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маҳоратини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, ўқувчиларга замонвий билим олиш йўллариини ўргатиш, таълим сифати ва самарадорлигини юксалтириш, баркамол шахсларни тарбиялаш вазифаларини белгилашда олий таълим муассасалари ва вилоят педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан ўқув ва илмий-методик ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича вилоят таълим тизимида умумтаълим фанлари кесимида ташкил этилган “Маҳорат мактаби” таркиби (1-илова), таълим сифатини оширишда олий таълим муассасаси, вилоят педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг вилоят умумтаълим мактаблари билан ўқув ва илмий-методик ҳамкорликда олиб борган ишларини мувофиқлаштириш гуруҳи (2-илова), ўқитувчилар касбий маҳорати ва ўқувчилар ўзлаштириш самарадорлигини ошириш ҳаракат дастури (3-илова) тасдиқлансин.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ...

Биринчи иловада кўрсатилган “Маҳорат мактаби” таркиби қуйидаги жадвал асосида тўлдирилади:

Вилоят “Маҳорат мактаблари” ҳақида маълумот							
№	Йўналишлар	Туман, шаҳар	Мактаб рақами	Мактаб директорининг Ф. И.	Йўналишдаги ўқув семинарини ўтказишга масъул		
					Умумий ўрта таълим мактабидан	Вилоят методика марказидан	Олий таълим муассасасидан
1							

Таълим сифатини оширишда олий таълим муассасаси, ВПКҚТМОИнинг умумтаълим мактаблари билан ўқув ва илмий-методик ҳамкорликда олиб борилган ишларини мувофиқлаштириш гуруҳи таркиби

№	Ишчи гуруҳи аъзоларининг исми ва фамилияси	Иш жойи	Лавозими
1			

Ўқитувчилар касбий маҳорати ва ўқувчилар ўзлаштириш самарадорлигини ошириш ҳаракат дастури			
"ТАСДИҚЛАЙМАН"	"ТАСДИҚЛАЙМАН"	"ТАСДИҚЛАЙМАН"	
Вилоят халқ таълим бошқармаси бошлиғи	Вилоят педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори	Олий таълим муассасаси ректори	

Таълим сифатини оширишда олий таълим муассасалари ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан ўқув ва илмий-методик ҳамкорлигини мувофиқлаштириш бўйича вилоят халқ таълими бошқармаси, педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда олий таълим муассасаларининг ҳамкорлик дастури қуйидаги жадвал шаклида тузилади:

№	Амалга ошириладиган ишлар	Ижро механизми ва бошқарувчиси	Ижро муддати	Бажариш учун масъулар
1				

Ислом ЗОКИРОВ,
Республика таълим маркази директори,
Илгизар МАННОПОВА,
Республика таълим маркази бош методисти

Rasmiy bo'lim

ЯНГИ БАЗАВИЙ
ТАРИФ
СТАВКАЛАРИ
ТАСДИҚЛАНДИ

Президентимизнинг 2014 йил 21 ноябрдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизими-ни тасдиқлаш тўғрисида"ги ва 2011 йил 1 мартдаги "Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини тақомиллаштириш тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг "Халқ таълими тизимидаги педагог ва раҳбар ходимларнинг базавий тариф ставкалари ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги республика таъкилотлари раҳбарларига халқ таълими тизимидаги раҳбар ва педагог ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари ўзгариши муносабати билан қўшимча талаб этиладиган маблағларни ажратиш юзасидан тегишли молия органлари билан иш олиб бориш, ушбу қарор ижроси юзасидан 2014 йилнинг 25 декабригача Халқ таълими вазирлигига ёзма ахборот тақдим этиш вазифалари топширилди.

Мазкур қарор қабул қилинган муносабати билан 2014 йилнинг 15 декабридан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2014 йил 26 августдаги 50-сон ва 17-қ/қ-сон қўшма қарори ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланиши лозимлиги қайд этилди.

Қуйида халқ таълими раҳбар ва педагог ходимларининг янги базавий тариф ставкалари ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари ходимларининг лавозим маош миқдорлари билан танишасиз.

Халқ таълими тизимидаги таълим муассасалари педагог ходимлари
меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари
МИҚДОРЛАРИ

(сўм)

Лавозимлар номи	Базавий тариф ставкалар миқдори				
	олий тоифали	1-тоифали	2-тоифали	олий маълумотли	ўрта махсус маълумотли
1. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари ўқитувчиси, ўқитувчи-логопеди, логопедия шохобчаси мудири	945 434	891 191	834 546	779 309	728 471
2. Умумтаълим мактабларининг юқори синфлари ўқитувчиси	870 390	789 339	739 294	690 529	646 047
3. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг методик таъминлаш, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва давлат таълим стандартлари мониторинги гуруҳлари ходимлари	591 740	549 383	507 302	466 688	x
4. Мактабдан ташқари муассасанинг ўқитувчи-тренери, олий спорт маҳорати болалар ва ўсмирлар мактаблари, олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар мактабларининг, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг инструктор-методисти	707 554	660 948	618 587	576 490	535 868
5. Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси	793 139	742 303	691 789	643 044	596 239
5-1. Болалар мусиқа ва санъат мактаби концертмейстери	691 789	643 044	596 239	551 316	509 079
6. Халқ таълими барча типдаги муассасаларининг тарбиячиси, катта тарбиячиси (тарбиячи-методист), психологи ва мактабдан ташқари муассасалар инструктор-методисти	576 490	535 868	496 865	459 430	424 232
7. Болалар мактабгача муассасалари ўқитувчиси (логопед, дефектолог, тил бўйича фанлар)	618 587	576 490	535 868	496 865	459 430
8. Халқ таълими барча муассасаларидаги методист (3-бандда кўрсатилгандан ташқари), педагог-ташқилотчи, тўғарақлар, студиялар, секциялар раҳбарлари, барча ихтисосликлар инструкторлари, катта вожатий, аккомпаниатор, мусиқа раҳбари, экскурсовод, маданият ишлари бўйича ташқилотчи	507 302*	466 688	427 692	390 479	355 090

Мактабдан ташқари муассасалар бўлим, секция, лаборатория, кабинет мудирининг иш ҳақи миқдори (контингентдан қатъий назар) иккинчи малака тоифали тўғарак раҳбарининг иш ҳақига тенг миқдорда белгиланади.

*) Мазкур малака тоифаси болалар мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-боғчаларнинг "мусиқа раҳбари" лавозими учун амал қилади.

Халқ таълими муассасалари раҳбар ходимлари
меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари
МИҚДОРЛАРИ

(сўм)

Лавозимлар номи	Базавий тариф ставкалар миқдори			
	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	IV гуруҳ
I. Раҳбар ходимлар:				
1.1. Умумтаълим мактаби директори	1 292 878	1 222 208	1 152 604	1 079 462
1.3. "Меҳрибонлик уйи" директори	660 948	618 587	x	x
1.4. Мактабдан ташқари муассаса директори	576 490	535 868	496 865	x
1.5. Мактабгача болалар муассасаси мудири	618 587	576 490	x	x
1.6. Олий спорт маҳорати мактаби, олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар мактаби директори	755 384	x	x	x
1.7. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори	707 554	660 948	618 587	x
1.8. Болалар мусиқа ва санъат мактаби директори	793 139	742 303	x	x
II. Раҳбарларнинг ўринбосарлари:				
2.1. Мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	1 222 208	1 152 604	1 079 462	1 008 185
2.2. Умумтаълим мактабидаги ўқувчиларни чақириққа тайёрлаш раҳбари	823 293	771 051	720 125	673 515
2.4. "Меҳрибонлик уйи" директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	618 587	576 490	x	x
2.5. Мактабдан ташқари муассаса директорининг ўқув-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	535 868	496 865	459 430	x
2.6. Олий спорт маҳорати мактаби, болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари ихтисослаштирилган мактаби директорининг ўринбосари	707 554	x	x	x
2.7. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директорининг ўринбосари	660 948	618 587	576 490	x
2.8. Болалар мусиқа ва санъат мактаби директорининг ўқув-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	742 303	691 789	x	x

Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш
туман (шаҳар) бўлимлари ходимларининг лавозим маошлари
МИҚДОРЛАРИ

(сўм)

Т/р	Лавозимлар номи	Базавий тариф ставкалар миқдори				
		шаҳарлар-вилоятлар марказлари, Нукус шаҳри ва қишлоқ туманлари		шаҳар туманлари		вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар
		I гуруҳ	II гуруҳ	I гуруҳ	II гуруҳ	
1.	Бўлим мудири	1 154 904	1 085 998	1 085 998	1 018 155	1 085 998
2.	Мудир ўринбосари — гуруҳ раҳбари	887 447	824 043	887 447	824 043	824 043
3.	Шўъба мудири	887 447	824 043	887 447	824 043	824 043
4.	Таълим муассасалари фаолиятини ва ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш-ни ташкил этиш бўйича мутахассислар	843 075	782 843	843 075	782 843	782 843
5.	Таълим муассасалари биноларининг техник ҳолати, инфратузилмаси ва жиҳозланганлиги масалалари бўйича мутахассис (муҳандис)	824 043	760 824	824 043	760 824	760 824
6.	Бухгалтер	591 633	549 363	591 633	549 363	549 363
7.	Иқтисодчи	549 363	507 216	549 363	507 216	507 216
8.	Кадрлар бўйича инспектор	549 363	507 216	549 363	507 216	507 216

2014-yil 13-dekabr, № 99 (8748)

Хуқуқшунос олим Акмал Саидов *Гарб классик адаблари ва уларнинг юриспруденцияга бўлган муносабатига оид «Гёте — юрист», «Шекспир ва юриспруденция», «Данте — юрист», «11 француз юрист-адаблари» каби китоблари билан ижод ихлосмандларининг эътиборини қозонди.*

Биз мулоҳаза юритаётган «Кафка — юрист» («Ўзбекистон» нашриёти, 2013) китобида эса муаллиф ҳатто Европада эътибордан четда қолиб келаётган мавзу — Франц Кафканинг хуқуқшуносликдаги фаолиятини махсус тадқиқ қилган. Ўз даврининг ғоят ўзига хос ижодкори, барча мумтоз адабий қоидаларни тан олмаган «қонун-узар» Кафка, дарҳақиқат, юрист бўлганми?

Франц Кафка юристлик ихтисослигига махсус ўқиган. Прагадаги Карл университетини битириб, профессор Алфред Вебер раҳбарлигида хуқуқ доктори унвонига сазовор бўлган, суғурта идорасида камтарона амалларда меҳнат қилган...

Кафка, авваламбор, ёзувчи, ёзувчи бўлганда ҳам реализм ёки романтизмнинг мумтоз вакили эмас, балки санъатнинг сюрреализм, мифологизм, магик реализм каби йўналишларида ном қозongan адабларнинг янгий устози ҳисобланади. Адабий мероси тугалланмаган уч роман, ҳикоялар, мактублар, кундаликлардан иборат бўлган Кафка ҳаётлигида тан олинмаган ва халқаро мукофотлар лауреатига айланмаган бўлса-да, бироқ унинг асарлари таъсирида шаклланган адаблар — Гарсиа Маркес ва Мо Ян асарларининг кафкача услуби бугун дунё адабиётшуносларининг тадқиқотлари учун бош мавзу бўлиб турибди.

2012 йилги Нобел мукофоти лауреати — хитойлик адиб Мо Ян бежиз «Хитойлик Кафка» номини олмади. Унинг гротеск ва асотирлар, сеҳр ва жолу, реал бориқ ва хаёлот дунёси қоришиқ тарзда акс этувчи гайриодатий, бутун дунё адаблари учун янгилик бўлиб турган услубининг бош назариячиси сифатида ҳозир Кафка қайд этилмоқда. Асли ҳарбийликдан истеъфога чиққан Мо Ян Нобел мукофоти тақдимида: «Нега ҳаммаларингиз мендан Нобел мукофоти ҳақида сўрайсиз, ҳа, сўзсиз Нобел мукофоти халқаро мукофот сифатида улкан таъсир кучига эга, бироқ тарихда кўплаб буюк ижодкорларнинг, жумладан, Толстой, Кафка кабиларнинг мукофотни олмаганликлари мисоллари борки, бу ҳолат улар асарларининг ўз вақтида қадрини топмаганлигини билдиради», деб, устоз салафлари ижодига эҳтиром кўрсатди.

Кафка асарларида ниҳоятда субъективдир. У кундалигида ўз ижодий лабораториясини жуда жонли тасвирлайди: «Мен ўз ишим учун барча нарсдан чегараланган бўлишим керак.

Ҳатто тарки дунё қилган қаландар бўлишим ҳам камлик қилади, мурда каби бўлишим керак. Бундай шароитдаги ёзувчилик фаолияти эса чуқур тушга, ўлимга айланади, жасадни эса тобутдан олиш мумкин эмаслиги сабабли мени ҳам тунда ёзув столидан ажратиб бўлмайди». Кафка қайси ишни бошламасин, унга жону жаҳони, борлиги билан ёндашган, лозим топил-

ганда, ҳамма нарсаси — ота, ёр ва ҳатто ҳаётини тақдир ҳукмига топширган.

«Адабиётга тааллуқли бўлмаган барча нарсаси мени зериктиради ва ғазабимни кўзга кўрсатади», деган Кафканинг юристликдан ҳам кўнгли тўлмаган деган хаёлга бормаслик керак. Айнан инсон тақдирлари билан боғлиқ хуқуқий ҳужжатларни ўргатган адиб уларга ўз тафаккурда қайта бадиий сайқал беради, мистицизм ва индивидуализм руҳи билан йўғрилган, борлиқни рамзий ишоралар орқали ифодалайдиган тушкун воқеаликдаги руҳан синган ва пароканда қаҳрамонлар тақдирига уста сюрреалист қози сифатида ҳукм ўқийди, ажрим чиқаради.

Буни яхши тушунган Акмал Саидов «Суғурта компаниясида юридик маслаҳатчи бўлиб ишлаган Франц Кафка, инсоний қайғу ва изтиробларнинг турфа хил кўринишларига гувоҳ бўлган», дейди ва бу фаолиятининг адиб ҳаётдаги инъикосини қуйидагича тушунтиради: «Ана шу таассуротлар ўз ички беҳаловатлиги билан бирга унинг катта ва кичик асарлари мавзуси бўлган».

Кафканинг энг машҳур асарларидан «Жараён» романининг таҳлили адибнинг ёш бўлишига қарамадан зиддиятли қарашлар устаси сифатида пишиб етилганлигини кўрсатади. Шу сабабли бўлса керак, романининг ўзбекча таржимасига Хуршид Дўстмуҳаммад ёзган сўзбошида: «Франц Кафка

«Жараён»ни ёзганида 30-35 ёшлар орасида бўлган. Шу ёшдаги одам ҳаётнинг бу қадар мураккаб синаотларини қандай қилиб бир роман қаҳрамони тимсолида муҳажжас қила олди экан...» деб, ёш «оқсоқол» маҳоратига қойил қолади.

Юрист Кафканинг диққат марказида доимо айб ва жазо муаммоси турган, уларга муносабати айниқса мактубларида усталик билан ифодаланган. Адиб атторлиқнинг улгуржи савдоси билан шуғулланган отаси Герман Кафка билан ҳеч қачон келишолмаган, оралиридаги кескинлиқни тушунтириш ниятида «Отамга хат» номасини ёзган, бироқ мактуб белгиланган манзилга етиб бормаган. Унда Кафка юрист сифатида падарини мулозимат билан айблаётган ва моҳирлик билан ўзини ҳимоя қилади.

ни танлаганини айтмайди. Зеро, хаёлот, абсурд ва парадоксларга асосланган услуб билан воқеалар тасвир ва ечимларини ақлга мувофиқ талқин этиш мумкин эмас.

Акмал Саидов «Эврилиш»ни таҳлил қилган Эрх Фромм тили билан асарга жуда тўғри муносабат билдиради: «Кафка услубига эътибор қаратинг. Унинг равон тили, аниқ ва жиддий оҳанг ҳикоянинг даҳшатли мавзусига қатъий қарама-қарши қўйилган. Унинг шиддатли, оқ-қора тани ҳеч қандай шоирона ташбеҳлар билан безатилмаган». Бундай хулоса Кафка мактублари тили ҳақида юқорида билдирган фикрларимизни деярли тасдиқлайди.

Русларда машҳур бир ибора бор: «Казнить нельзя помиловать». Агар жумладан вергул белгиси «казнить» сўзидан кейин келса, «Қатл

этилсин, афв этилмасин», агар «нельзя» сўзидан сўнг қўйилса, «Қатл этилмасин, афв этилсин» мазмунини келиб чиқади. «Маҳкама» асарида шунга ўхшаш ҳолат бор. Асар қуйидагича бошланади: «Афтидан кимдир Йозеф К.га тўхмат қилган чоғи, ахир у ҳеч кимга ёмонлик қилмаган, бирор-бир ноҳўя иш ҳам содир этмаганди, шунга қарамай уни ҳибсга олишди». Таржимада «афтидан» ёки «чоғи» сўзларидан бирининг ишлатилиши мақсадга мувофиқ, чунки айнан шу сўзлар ағла-тадиган иккиланиш бутун асар моҳиятини, Кафка услубини очиб беради. Русча таржимада жумла шундай келтирилади: «Кимдир Йозеф К.га тўхмат қилган чоғи, ахир у ҳеч кимга ёмонлик қилмаган...». Агар жумладан иккиланиш туйғусини олиб ташласак ва уни дейлик «Кимдир Йозеф К.га тўхмат қилган, ахир у ҳеч кимга ёмонлик қилмаган, бирор-бир ноҳўя иш ҳам содир этмаганди, шунга қарамай уни ҳибсга олишди», десак, асар мазмунини тубдан ўзгартириб кетади ва Кафка услуби йўққа чиқади. Кириш сўз билан мантиқ ўзини ичқариб олиб яширинади, кириш сўзсиз эса ичдан аслиятга ўгирилиб, тикланади. Чунки «чоғи» сўзи барча нарсани ўзгартириб юборади ва одамни хавотирга солидиган одатий туйғунини сокин, тинчлантирадиган метёрий абсурдга айлантириб юборади.

Taqriz

Албер Камю Кафка феномени ҳақида аниқ ва муҳим фикрлар билдирган: «Кафканинг сири асосли икки-маъноликда. У доимо табиий ва ғаройиб, шахсий ва универсал, фожеали ва кундалик, абсурд ва мантиқ тушунчалари орасида мувозанат сақлайди. Бу тебранишлар унинг барча асарларини қамраб олиб, уларга оҳанг ва моҳият бахш этади. Абсурд асарни тушуниш учун барча парадоксларни қайта териб чиқиш, барча инкорларга куч ато этиш керак». Ёки: «Нормал одам Толстойни ўқиши мумкин. Лермонтовни, Пушкинни ўқиши мумкин. Балки унга нимадир ёқмас, бироқ у уларни ўқишни давом эттириши мумкин. Нормал одам Диккенсни ўқиши мумкин, Гюго ва Балзакни ўқиши мумкин, Теккереини ўқиши мумкин... Жойс ва Кафкани нормал одам ўқий олмайди!.. Бундан ҳам ортиги — мен ҳеч қачон уларга бунини тавсия қилмайман».

Франц Кафка юрист сифатида хизмат қилган суғурта идорасидан, газета ва китоблардан, Праганинг жўшқин ижтимоий ҳаётдан ўзи учун адабий материал йиғди. Доимий хизмат сафарларида бўлган адиб суғурта билан боғлиқ ишларни тергов ва тафтиш этиш жараёнида ишлаб чиқаришдаги инсонларнинг бахтсизликлари билан тўқнашишни тўғри келди. Уларни ҳужжат учун бор қонун қоидага мувофиқ тарзда расмийлаштирилганлигига шубҳа йўқ, агар бошқача бўлганда, у хуқуқий идорада бир муддат ҳам турулмас эди. Бироқ адиб шу материалларга бадиийлик ато қилиб, уларни бадиий асарларга айлантирганда тарихий ҳақиқат умуман ўзгариб, абсурд моҳиятга айланди. Уларни тушуниш учун юқоридаги Албер Камю кўрсатмасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Профессор Акмал Саидов «Кафка — юрист» китобида буюк адибнинг кўпроқ бадиий асарларидаги хуқуқий жараёнлар, адолат ва унинг талқинлари, мазлумларнинг руҳий кечинмалари ҳақида сўз юртади. Ўзининг катта меҳнати эвазига «Кафка — юрист» асарини майдонга келтиради. Гарчи Кафканинг асл мутахассислиги хуқуқшунос бўлса-да, ўз такрорланмас услуби билан адабиёт тарихида қатъий жой олди. Бунини эса профессор Акмал Саидов ишончли тарзда кўрсата олди.

Шухрат СИРОЖИДИНОВ,
филология фанлари
доктори, профессор

ФРАНЦ КАФКА ФЕНОМЕНИ

Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 49-модда.

Асримизгача бўлган давр инсониятта кўплаб таърихий бинолар, маданий ёдгорликлар, буюк аждодларнинг бебаҳо асарлари, унутилмас қадриятлар ва анъаналари ҳаёда этди. Буларнинг барчаси биз учун мерос, кўз қорачигидек асраб, келажақ авлодга бус-бутун етказишимиз лозим. Мазкур вазифани амалга оширишда 1945 йил 16 ноябрда ташкил топган БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКОнинг хизмати катта. Мазкур йирик халқаро ташкилотнинг асосий мақсади давлатлараро тинчликни сақлаш, барқарор ривожланиш ва маданиятлараро мулоқотни яхшилашга қўмаклашишдан иборат...

...1954 йили кучли ёмғир туфайли Миср ҳукумати Асвон (Aswan Dam) тўғонини кура бошлайди. Бунда кўзланган асосий мақсад қадимги Мисрда қурилган иншоотларни эҳтиёт қилиш, отабоболардан қолган меросни табиий фатдан асраш эди. Шу орқали Абу Симбел (The Abu Simbel) ва Фила (Philae) ёдгорликлари қисмларга ажратилган ҳолда мамлакатнинг баландроқ нуктасига қўчирилади ва орадан маълум муддат ўтгач яна ўз ўрнига қайтарилди. Бу орада яна икки ёдгорлик — Дендур ибодатхонаси Нью-Йоркка, Дебод ибодатхонаси эса Мадридга олиб кетилади. Мазкур воқеа сабаб ЮНЕСКО ҳимоя остига олинishi керак бўлган объектларга эътибор қарата бошлайди.

1972 йили қабул қилиниб, 1975 йилдан кучга кирган "Жаҳон маданий ва табиий меросини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Конвенцияга кўра ЮНЕСКО давлатларнинг моддий меросини асраб-авайлаш вазифасини қонунан ўз зиммасига олади. Конвенцияда баъзи географик жойлар оламшумул аҳамият касб этиши ва бутун инсониятнинг маданий мероси экани қайд этилади. Ташкилотнинг сайёҳаракати билан бундай буюк ёдгорликлар Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилади. Ташкилот ҳозиргача 400га яқин халқро ноҳуқумат ташкилотлари ва жамғармалар, халқаро ва ҳудудий бирлашмалар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жараёни амалга ошириш учун маблагъ аъзо мамлакатлар бадалларидан ажратишли кўзда тутилган.

Моддий маданий мерос объектларини асраш чора-тадбирлари уларнинг мавжуд кўринишини сақлаб қолиш, таъмирлаш, бугунги кунда фойдаланишга мослаштириш, шунингдек, улар билан боғлиқ илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқариш ишларини ўз ичига олади.

**Маданий ва табиий
ёдгорликлар —
бутун инсониятнинг
мероси**

Жаҳон миқёсида маданий ва табиий мерос сифатида қimmatга эга муҳим объектлар рўйхати 1978 йилдан тuzила бошланди. Жаҳон маданий мероси инсоният учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган маданий ва табиий ёдгорликлар (ўрмон, тоғ, қўл, орол, қўл, ёдгорлик, бино, комплекс ёки шаҳар)ни ўз ичига олади. Унинг рўйхати халқаро Жаҳон маданий

ди: Африка ва Араб мамлакатлари (Шимолий Африка ва Ўрта Шарқ), Осиё ва Океаниё Европа ва Шимолий Америка (Канада ва АҚШ), Лотин Америкаси ва Кариб ороллари. 2014 йилнинг июнь ойи натижаларига кўра, рўйхатга Жаҳон маданий мероси қўмитаси томонидан алоҳида эътироф этилган 161 мамлакатдан 1007та объект — 779 маданий, 197 табиий ва 31 аралаш бойликлар киритилди.

Мазкур рўйхатда Италия 57та, Хитой 47та, Испания 44та, Франция ва Германия 39, Мексика ва Ҳиндистон 32тадан объект билан илк еттита-ликни ташкил этади. Жумла

ний ва табиий, номоддий ме-
роси асраб-авайлаш юзаси-
дан олиб бораётган ишлари-
га ўз хиссасини қўшиб келмоқда.
Бу борада юртимизда амалга
оширилаётган чора-тадбирлар
Ўзбекистон Республикасининг
Конституцияси, "Маъаний ме-
рос объектларини муҳофаза
қилиш ва улардан фойдаланиш
тўғрисида"ги қонун ҳамда Ва-
зирлар Маҳкамасининг 2010
йил 7 октябрда қабул қилинган
"2010—2020 йилларда номо-
дий маъаний мерос объектла-
рини муҳофаза қилиш, асраш,
тарғиб қилиш ва улардан фой-
даланиш Давлат дастурини
тасдиқлаш тўғрисида" ҳамда
2011 йил 23 февралдаги «Но-

лакатимиз ҳудудда 7 мингдан
ортиқ маданий мерос дурдо-
налари, минглаб археологик
объектлар ва қазилмалар мав-
jud. ЮНЕСКОнинг Жаҳон ма-
даний мероси рўйхатига ки-
ритилган 4та тарихий шаҳар-
ларимиз Самарқанд, Бухоро,
Хива ва Шахрисабз алоҳида
химоя остига олинган.

Номоддий маданий меросни асраш бурчимиз

2003 йилнинг 15 октябрийда ЮНЕСКО томонидан Париж шаҳрида “Номоддий маданий меросни муҳофазга қилиш бўйича” халқаро конвенция қабул қилинди. 40 моддадан iborat ушбу халқаро ҳужжатни қабул қилишда номоддий маданий мерос ва уни сақлашнинг аҳамияти, айниқса, ёш авлод томонидан асраб-авайлалиши эътибор марказида бўлди. Мазкур конвенция Ўзбекистонда 2008 йили ратификация қилинган. Конвенциянинг 2-моддаси 2-бандида таъкидланганидек, ўзликни намоеъ этишнинг озғиси анъана ва шакллари, ижро санъати, жамиятнинг урф-одатлари, маросимлари, байрамлари, табиат ва коинотга оид билим, урф-одатлар йиғиндиси, анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар номоддий мерос сифатида химоя остига олинади.

ЮНЕСКО шафелигида юкоридаги вазифаларини адо этиш мақсадида мамлакатимизда хунармандчилик ярмаркалари, кўплаб халқаро анжуманлар ташкил этилди, маданий туризм соҳасида миллий салоҳиятнинг шакли ишларига эътибор қўйилди.

Нуфузли халқаро ташкилот хузуридаги Номоддий маданий мерос қўмитаси барча номзодларни ўрганиб чиқиб, кўрсатилган объектларнинг маъзур рўйхатга киритилиши масаласини ҳал этади. Қўмита 2009–2014 йиллар оралиғида химоя остига олиниши долзарб бўлган 38та объектни рўйхатга олиб, 12та дастур ва лойиха ишлаб чиқди. 2014 йилининг ноябрь ойи якунига қўра, инсониятнинг номоддий маданий мероси объектлари сони 314тага етди.


Халқимизнинг бой маънавий бойлиги хосибланган Бойсун маданий мероси, Шашмақом, Катта ашула ва Наврӯз байрамимиз инсониятнинг номодий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатидан жой олган. Яқинда улар сафига халқимизга хос санъат намунаси бўлган аския ҳам қўшилди. Шу йил 27 ноябрь куни ЮНЕСКО Бош қароргоҳида ўтказилган Номодий маданий мерос қўмитасининг 9-сессиясида аския ҳам номодий маданий мерос сифатида эътироф этилди.

Чиндан ҳам, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган юртимизнинг қўлбақ тарихий обидалари, халқимизнинг урф-одат ва анъаналари, қадриятлари бебаҳо ҳазина бўлиб, уларни авайлаб асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Зеро, ота-боболаримиздан қолган бой маданий мерос нафақат халқимизнинг балки бутун инсониятнинг бебаҳо бойлигидир. Бу бойликни келажақ авлодга бус-бутун етказишга ўз ҳиссамизни қўшаёлик.

Хамида УСМОНОВА

ЖАҲОН МАДАНИЙ МЕРОСИ

бебаҳо хазина сифатида қонун ҳимоясига олинган



мероси дастури асосида тўлдириб борилади. Бош асамблея томонидан сайланган 21 аъзо давлат ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси қўмитасини ташкил этади. 2004 йилнинг охирига қадар маданий мерос бта мезонга кўра, табиий бойликлар эса 4та мезон асосида танланган. 2005 йилдан бошлаб, объектнинг дунё мқиссида қийматлилиги ҳамда ранг-барангликни таъминлаш ҳам алоҳида инобатга олинмоқда.

Руйхатни тузишда маданий ва номоддий объектнинг қадимийлиги, инсоният учун сақланиши муҳимлигига алоҳида аҳамият қаратилган. Жаҳон мероси жойлашган ерлар 5та географик ҳудудга ажратила

дан, Франциянинг алоҳида меъморий иншоотлар ва ансамбллarga эга Акрополь, Амьен ва Шартрдаги ибодатхоналари, Миср эромилири, Хиндистоннинг Тожмаҳал маданий объекти, Варшаванинг тарихий маркази, Бразилия ва Венеция шаҳарлари, Дельфа археологик қўриқхонаси, қатор миллий боғларни киритиш мумкин. Жаҳон маданий мероси рўйхатидаги ҳар бир объектнинг ўз махсус рақами мавжуд бўлиб, давлатнинг қонуна ҳимояланган ҳудуди ҳамда бутун инсониятнинг мероси сифатида асраб-авайланади.

1993 йил 26 октябрда ЮНЕСКОга аъзо бўлган мамлакатимиз ушбу нуфузли ташкилотнинг халқаро микёсда мада-

моддий маданий мерос мухофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари билан мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳусусан, «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида ижтимоий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар, ёдгорликлар, моддий ва номоддий мерос объектларини қонун ҳимояси остига олиганини келтириб ўтилган.

Узбекистоннинг тарихий, этнологик ёки антропологик нуқтаи назардан ҳар томонлама беқиёс қимматга эга маданий объектлари жаҳон маданий мероси рўйхатиغا ҳам киритилган. Бугунги кунда мам-

МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНЛАРИНИНГ САЛОМАТЛИК УЧУН БЕЗАРАР ЭКАНИ ТАСДИҚЛАНДИ

Англиядаги Манчестер университети олимларининг тасдиқлашича, уяли алоқа воситалари ва электр тармоқларидан таралувчи электромагнит нурлар инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмайди. Мазкур тадқиқот ҳақидаги батафсил маълумотлар "Journal of the Royal Society Interface" илмий журналида чоп этилди.



Олимлар мобиль воситаларидаги электромагнит майдоннинг беғуштик, саратон ва бола-лар лейкемияси (оқсон касаллиги) сингари жиддий хасталикларни келтириб чиқариши тўғрисидаги қарашларни илмий жиҳатдан тасдиқлаш мақсадида қатор изланишлар олиб боришди. Зеро, кенг жамоатчилик ўртасида мазкур электромагнит майдон инсон организмидagi ҳаётий муҳим ҳисобланган оқсиллар фаолиятини издан чиқаради, деган мулоҳазалар мавжуд эди.



Бунинг учун манчестерлик кимёгарлар мобиль алоқа воситаларидан таралувчи кучсиз магнит майдонининг асаб тизими назорати ҳамда ДНКларнинг қайта тикланишида муҳим вазифани бажарувчи флавопротеин оқсилларига таъсирини ўрганиб чиқишди. Якунда магнит майдони оқсиллар ва ДНК тузилишида ҳеч қандай салбий ўзгаришларга сабаб бўлмади, деган ҳулосага келинди.

— Флавопротеинлар электронларни бир жойдан иккинчи жойга ташишга хизмат қилади. Уларнинг йўлида баъзи ҳолларда тез парчаланиб кетувчи тузилмалар — радикал жуфтлар пайдо бўлиб туради. Айни шу жуфтлар иштирокидаги биокимёвий реакциялар электромагнит нурланиш таъсири остида шикастланишлар юзага келади, деган қарашларни тасдиқлар эди. Бироқ инсон организмда бу каби зарарли реакцияларнинг рўй бериши учун кучсиз магнит майдонининг биокимёвий таъсири етарли эмаслиги исботланди, — дейди тадқиқотчилардан бири Алекс Жонс.

Эслатиб ўтаёми, Британиядаги Аҳоли саломатлигини ҳимоялаш агентлиги томонидан 2010 йилда ўтказилган изланишларда ҳам мобиль телефонлари, уяли алоқа станциялари ва Wi-Fi тармоғининг саломатлик учун безарар экани тасдиқланган эди. Бироқ шундай бўлса ҳам, мутахассислар мобиль телефонлари орқали узоқ ва беҳуда сўзлашишдан тийилиш лозимлигини таъкидлашмоқда.

ДУНЁ ОКЕАНЛАРИДАГИ ПЛАСТИК ЧИҚИНДИЛАР МИҚДОРИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚИЛДИ

"PLoS ONE" нашри тарқатган маълумотларга қараганда, олимлар бугунги кунда дунё океанларида 269 минг тоннадан зиёд пластик чiqиндилар сузib юрганини ҳисоблаб чиқишди. Шу вақтга қадар глобал миқёсда сув юзасида сузib юрган микро ва макропластик чiqиндиларнинг аниқ миқдорини айтиш учун далиллар етарли эмас эди.

Уларнинг умумий ҳажмини ҳисоб-китоб қилиш мақсадида дунёнинг олти мамлакатда фаолият юритаётган олимлар ҳамкорлигида 2007 йилдан 2013 йилгача 24 мартаба экспедиция ташкил этишди. Барча бешта субтропик оқимлар, шунингдек, Австралия қирғоқлари, Бенгал қўлиги ҳамда Ўрта ер денгизидан намуналар йиғилди. Бунда микропластик зарралардан тортиб, йирик пластик буюмлар ҳам ҳисобга олинди. Шундан сўнг тўпланган маълумотлар асосида дунё океанлари бўйлаб пластик ташламаларнинг тарқалиш модели ишлаб чиқилиб, аниқ бир тўхтамга келинди.

Мутахассислар мазкур моделга асосланиб аynи пайтда дунёдаги океанларда энг камда 5,2 триллион dona пластик чiqинди сузib юргани, уларнинг умумий ҳажми 269 минг тоннадан ортик эканини таъкидлашмоқда. Ушбу рақамларга сув қаърига чўккан ёки денгиз жониворлари томонидан ютиб юборилган пластик чiqиндилар киритилмаган.

Маълумки, дунё океанларининг пластик чiqиндилар билан зарарланётгани кўплаб денгиз қушлари ва жониворларнинг ўлимига сабаб бўлмоқда. Масалан, денгиз тошбақалари полистилен бўлақларини медреса ҳисоблаб еб, нобуд бўлаяпти. Яқиндагина тақдим этилган маълумотда эса сузиш ҳавзаларидан топилган қушлар жасади таҳлил қилинганида, уларнинг қарийб 90 фоизи айнан пластик буюмларни ютгани сабабли нобуд бўлгани аниқланди.

ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИНИНГ ФОЙДАЛИ ИШ КОЭФФИЦИЕНТИ 40 ФОИЗГА ЕТДИ

Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс университети муҳандислари ўтказилган бир қатор тажрибалардан сўнг Қуёш нуриин электр энергияси-га айлантириш самарадорлиги 40 фоизга етказилганини маълум қилишди.

Бу билан Қуёш батареялари самарадорлигини ошириш борасидаги 1989 йилги рекорд натижани янгилашди. Ушанда мутахассислар 20 фоиз самарадорликка эришган эди.

"Progress in Photovoltaics" журналида келтирилишича, Мартин Грин ва унинг ҳамкасблари янги ишлаб чиқилган кўп қатламли оптик филтрлардан фойдаланишган. Ушбу филтр махсус буюртма асосида ясалган бўлиб, маълум спектрдаги ёруғлик тўлқинларини танлов асосида тўтиб қолади ва қарақли нўқтага йўналтиради. Тадқиқот учун зарур бўлмаган ёруғлик тўлқинлари эса "чиқариб юборилади".

Янги тизим муаллифларидан бири Марк Кивеннинг таъкидлашича, Қуёш панелларини тўплашдаги янгича ёндашув у қадар мураккаб тузилишга эга эмас. Шу боис уларни ҳозир мавжуд барча Қуёш батареялари самарадорлигини оширишда қўллаш орқали янада кўпроқ электр энергиясини ишлаб чиқаришга эришиш мумкин.

С.РУСТАМОВ тайёрлади.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

Инагамов Сабитджан Якубжановичнинг «Натрийкарбосиметилцеллюлоза асосида фармацевтикага мўлжалланган поликомплексларнинг технологиясини ишлаб чиқиш» (техника фанлари) мавзусидаги докторлик диссертациясининг ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти, Полимерлар кимёси ва физикаси илмий тадқиқот маркази, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги 16.07.2013 К/Т.14.01 рақамли фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг 2014 йил 30 декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77а-уй. Тел.: (+99871)262-56-60, факс: (+99871)262-79-90, E-mail: ionxanruz@mail.ru

Рахимов Фархад Хушбаковичнинг «Трикотаж билан мустаҳкамланган полифункционал мақсадли композициялар технологияси» (техника фанлари) мавзусидаги докторлик диссертациясининг ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти, Полимерлар кимёси ва физикаси илмий тадқиқот маркази, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги 16.07.2013 К/Т.14.01 рақамли фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашнинг 2014 йил 30 декабрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77а-уй. Тел.: (+99871)262-56-60, факс: (+99871)262-79-90, E-mail: ionxanruz@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси томонидан тасвир этилган «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи — 2014» Республика танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш тадбири жорий йилнинг 16 декабрь куни соат 10:00да Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўтказилиши тўғрисида эълон қилади.

Маълумот учун тел: 233-34-02, 233-34-20, 233-34-22

(Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази).

Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Яланғоч даҳаси, 127А-уй, тел: 230-28-03.

КАСБГА САДОҚАТ ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТ

Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактабида «Ёнғин хавфсизлиги ойлуги»га бағишланган «Очiq эшиклар кўни» тадбири бўлиб ўтди. Унда Сергели туманидаги мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари иштирок этиб, ёнғин хавфсизлигига оид билим ва кўникмаларини янада оширди.

Тадбирда Олий техника мактаби курсантлари ўзлари-

лар сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ёнғин хавфсизлиги ҳамда қўриқлаш масканлари инженер-техник ва раҳбар ходимлари малакасини ошириш курслари доимий равишда фаолият кўрсатмоқда.

Аждодларимизнинг буюк меросини ўрганиш ва улардаги улуғ фазилатларни бўлажак ёнғин хавфсизлиги

Yong'in xavfsizligi oyligi

нинг малакавий чиқишларини намойиш этишди. Ўқувчиларнинг ёнғин хавфсизлигига оид билим ва кўникмаларини синаш мақсадида мусобақалар ташкил қилиниб, ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Мактабда таҳсил олаётган курсантларга касб сирларини ўргатиш ҳамда ўқув машғулотларининг амалий идоралар тажрибалари билан уйғунлаштирилиши, уларнинг содир бўлаётган ёнғинлар олдини олишга жалб этилиши кейинги йилларда тайёрланаётган мутахассис-

хизмати ходимлари маънавиятида шакллантириш Олий техник мактаб фаолиятидаги муҳим йўналишларидан биридир. Уларни чинакам касб эгалари этиб тарбиялаш келажакда малакали мутахассислар етиштиришга замин яратяди.

Ш.АБДУЛЛАЕВ,
ИИВ ЁХОТМ «Ёнғин хавфсизлиги муаммолари илмий текшириш маркази» бошлиғи
ўринбосари, майор
Ф.ХОЖАЕВ,
«Умумий илмий фанлар» кафедраси ўқитувчиси, лейтенант

Республика таълим маркази раҳбарияти ва жамоаси марказ директорининг собиқ биринчи ўринбосари, меҳнат фахрийси

Раҳим АХРОРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Hikoya

Ётавериб ёнбошига юмшоқ кўрпа ҳам тошдек боётганидан қийналган чол секингина бошини кўтармоқчи бўлди. Ёнида мусичадек беозор ўтирган кампири дарров ўрнидан туриб, ёрдамга ошиқди.

— Кўявер, кампир, ўзим бир ҳаракат қилиб кўрайчи. Ётаверсанг, ён бошинини ер тортади, деганлари рост экан, — деди.

Шунда ҳам кампир чолнинг ёнбошига кириб, бошига ута ёстиқни тираб қўйди.

— Бир пиёла доғсув берайми? — деди-да, сочиқ ўралган чойнакдан ҳали ҳовури кўтарилаётган доғсувни қўйди, чолнинг озғинлигидан томирлари бўртган, ҳолсизликдан бирозгина титраб турган қўлига авайлаб тутқазди.

Абдулла ота пиёладаги сувни шошилмай ҳўплади, узоқ ўйга толди. Бунга сезган Ҳури момо чолни суҳбатга чорламоқчи бўлиб гап бошлади:

— Нималар ҳақида хаёл суриб қолдингиз?

— Эй кампир, сўрама. Анчадан бери ичимни бир нима кемиргандай. Энди оёққа туриб кетишимга кўзим етмайди. Охиратни ўйлаб қолдим. Мени деб бутун умринини маломатда ўтказдинг, — деди у.

Чолнинг нима демоқчи бўлаётганини Ҳури момо англаб етди:

— Ундай деманг. Ҳеч қачон ҳаётимдан афсусланмаганман. Худога шукр, одамларда бор фарзанд бизда ҳам бор. Шуларнинг орқасидан неварали-чеварали бўлди. Орқамиздан ис-чи-роғимизни ёқадиганларнинг бори гап шукр. Ҳаётнинг аччиғини ҳам, ширин кунларини ҳам бирга тотди. Олтмиш йил бир ёстиққа бош қўйиб яшашнинг ўзи бўладими?! Сизни менга йўлдош қилган Яраттанинг ўзига юрсам турсам ҳам шукрданман. Бундан бу ёғига ҳам куч-қувват берсин, хизматингизни қилай. Ундан кўра дуо қилинг, — деди чолнинг кўнглини кўтариш учун бирозгина ҳазил оҳангида.

Бироз сукутдан сўнг: — Ўлмаган қўл баҳорга ҳам етдик. Баҳор ҳавоси яхши-да, деразани очиб қўйсанг бўларкан, — деди Абдулла ота. — Сен ташқарига чиқиб, товуқларингга қара, қақағлашиб дон, сув сўрапти. Мен озгина дам оламан.

Ҳури момо итоат билан чиқиб кетди. Абдулла ота кўзини юмди. Бўлиб ўтган воқеаларни хотирлар экан, юрагининг бир жойи жижиз этар, афсус ва надо-

мат юрагини қамраб олгандай эди.

Охирги вақтлар отанинг тушларига қишлоқ чеккасидаги ёнғоқзор тез-тез кирадиган бўлди. Тўшакка михланганига уч йил бўлаяпти. Энди қачон кўзини юмса, ўзини ўша ёнғоқзорда юргандай сезаверади.

...Қишлоқда иш кўп. Суяги қотган болаларнинг ҳаммаси далада ишлашарди. Абдуллажон билан Ҳурихон маҳалладош бўлганликлари сабаб битта далага ишлагани боришар-

сал четроққа ташлашга интилли. Бутун гавдаси билан гурсиллаб қулади. Бу ҳолат шунчалар тез рўй бердики, бир зум нима бўлганига ҳеч кимнинг ақли етмай қолди.

Абдуллажоннинг ичидан нимадир узилгандай бўлди. Атрофдагилар қий-чувлашиб, йигитни ўрнидан тургазди. Йигит бақувват эмасми, танасидаги оғриқни ҳам унутиб ёнидагиларнинг кўнглини тинчлантириш учун ўзини дадил тутди. Икки-уч кун бели оғриб, туриб кетишга қийналиб юрди, кейин кўтилмаганда белини кўтаролмай қолди.

даштга чиқиб кетдилар. Кунлар осуда ўта бошлади. Ёшлар умид билан яшардилар. Абдуллажон гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганида Ҳурихон: «Дунёда ҳеч нарсага алишмайдиған меҳр-муҳаббат бор. Оллоҳ иккимизни мана шу туйғудан қўямасин», дерди.

Ҳаш-паш дегунча саккиз йил ўтди. Бу орада қишлоқдагилар келинни бепуштга чиқардилар. Уларнинг аҳди қаттиқлигини кўриб, акасининг учинчи ўғлини туғруқонаданоқ Абдуллажонга фарзанд қилиб хатлаб бердилар. Ҳурихон доимо



Ҳурихон момо уйга кириб келганида чолнинг кўзидаги ёш томчилари оппоқ соқолини ювиб, болини ҳўл қилганди. Чол оғир хўрсинди-да:

— Кампир, ёш умрингиз зомин бўлдим. Қиёмат! Оллоҳнинг олдида нима деб жавоб бераман? Мени кечир, нотавон чолнигдан рози бўлгин, — дея охирги сўзини зўрға айтди-ю, худди ёш боладек ҳиқиллаб йиғлаб юборди. Чол бор дардини ташқарига чиқариб, елкалари учиб, титраб қақшарди. Кампир ҳам ўзини тутиб туролмади. Титроқ қўлларини чолнинг титраб турган елкаларига қўйди.

— Сиз бунчалар ўзингизни қийнаманг!.. Ҳаётимизда ўғрилиқ қилмадик, бироннинг ҳақини емадик. Фарзандларимизга ота-оналаридан зиёда меҳр бериб, иймонли, диёнатли қилиб тарбияладик. Бирор инсоннинг дилига озор бермадик. У дунёдан умидимиз бор. Менинг қалбимни ёндириб кечирим сўраманг. Пешонамизга битилгани шу. Бу Оллоҳнинг иродаси. Мусофир юртларда менга ота-она бўлиб меҳр бердингиз. Ака-сингилларим ўрнида кўнглимни кўтардингиз. Ҳар бир кимса орзу қиладиган меҳр-муҳаббатни сиздан кўрдим. Агар дунёга қайтадан келганимда яна сиз билан бирга умргузaronлик қилишни танлаган бўлардим. Тақдиримдан мингдан-минг розиман. Сиз ҳам мендан рози бўлинг, — дея меҳр билан чолнинг елкасини силаб қўйди.

Абдулла ота қафтларини очиб кампирини узундан-узун дуо қилди.

Саҳарда отанинг уйидан аза овози эшитилди. Йиғлаётганлар орасида фарёд уратган кампирнинг овози ажралиб турарди.

Ўқтамхон СОЛИЕВА

ди. Файрати тўлиб-тошган Абдуллажоннинг кўнглини узун сочлари белини чулганган Ҳурихон ром этганди. Қизлар, йигитлар тушлик пайти шоҳлари атрофга ёйилиб кетган, тангадек соя тушмайдиган ёнғоқлар тагида дам олиб гурунглашарди. Дил изҳорлари, тикилган рўмолчаларни қизлар «эга»ларига шу жойда берарди.

Абдулла билан Ҳурихоннинг бир-бирида кўнгли борлигини бутун қишлоқ биларди. Чунки яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам қишлоқда тез тарқайди-да. Ота-оналари тўйни кузги ҳосил йиғиб олинганидан сўнг ўтказишга келишдилар.

Кузда далаларда иш қизигандан қизийди. Бир томонда пахта, даштда пиёз, тўқай тарафда шולי, яна ёнғоқларни қоқиб олиш ҳам қишлоқдаги ёш қарини бир нафас тин олишга қўямасди. Абдуллажон бақувват эмасми, эсини танибдики, ёнғоқларни шохига чиқиб қоқарди. Бу гал ҳам чаптаст йигит узун ходани олиб ёнғоқнинг учига чиқиб кетди. Дувиллатиб ёнғоқнинг ярмини қоққанидан сўнг беҳосдан шохнинг қарсиллаган овози ерда эҳтиёт бўлиб ёнғоқ тераётганларнинг хушини учирди. Тепадаги шох билан болаларнинг устига тушишига кўзи етган йигит бор кучи билан ўзини

Докторга олиб бориш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Қишлоқ табиби «ўтиб кетди», дея болани даволади. Шу баҳонада тўй баҳорга чўзилди. Ҳақиқатан ҳам, белида оз-моз оғриқ борлигини ҳисобга олмаганда йигит соғлигини тиклаб олганди. Абдуллажон оиласидаги олти фарзанднинг кенжаси эди. Бутун қишлоқни қақириб, бошқача орзу-ҳавас билан тўй қилиб юрта ош бердилар.

Хонадонга ўзгача файзу тароват билан келин келди. Ҳамма хурсанд, аммо кудёнинг ичига чироқ ёқса ёришмасди. Бу ёқда келиннинг янгалари. Бир нарсаларни баҳона қилиб уларга жавоб бериб юборишди. Кундузи меҳнат билан овунган куёв бола кечга бориб келиннинг ёнига ҳижолат тортиб қирарди. Ҳурихон оғир-босиқ, эсли-хушли эмасми, куёвнинг кўнглини кўтариш тадоригида бўларди. Хизматларни ўрнига қўйиб бажариб келаётган келинчаққа куёвнинг ота-оналари бошқача назар билан қарай бошладилар. Йигит бор ҳақиқатни ота-онасига айтмоқчи бўлганида Ҳурихон бунга изн бермади. Ўша йиқилиш йигитни майиб қилиб қўйган эди. Шундан сўнг уйдагиларни қийин-қистовга олиб кўндириб, келинчақ билан пиёз экани

бир сўзни кўп такрорларди:

— Туққан она эмас, боққан она.

Ҳақиқатан, улар бахтли эдилар. Гўдакнинг «бува», «лада» деган сўзлари кўнгилдаги гашликларни бутунлай ювиб кетарди. Ўн беш йил ўтгач, Ҳурихоннинг туғмас эканлигига баътамом ишонган яқинлари яна бирорта бола боқишларини маслаҳат бердилар. Ҳурихоннинг акаси аяси билан келишиб қақалоқ қизларини синглисига тутқаздилар. Оилани сақлаб қолган туғишган жигарларга ҳамма раҳмат айтди.

Ой билан кун сувдай оқиб ўтаверар экан, баъзида тўй-маъракаларга бориб келган бечора Ҳурихон кўз ёшларини тиёлмасди. Эрига дилини ёрса, унинг кўнглини ранжитиб қўйишдан кўрқарди. Ҳар бир нарсанинг чеки-чегараси бор. Қўшни қизни куёвни-кига узатиб бориб уйига қайтган Ҳурихон дардини эрига тўкиб солди. Тўйда аёллар янги тушган келинчақ чилласининг ичида туғмас аёллар билан кўришиб қўймаслиги керак, деса, яна бири чимилдиқли уйга ҳам туғмаган аёлни кири-тиб бўлмайди, дейди. Бу гапларни улар беихтиёр суҳбат орасида айтишарди. Лекин даврада ўтирган Ҳурихоннинг жон-жонини тешиб ўтарди. Уйга келиб

2014-yil 13-dekabr, № 99 (8748)

ИСТИҚЛОЛ ЯРАТГАН ИМКОНИЯТЛАР



Хар йили юртимизда қад кўтараётган бир-биридан чиройли биноларга боқиб, кўнгил шукроналик ва севинч ҳисси билан тўлади. Айниқса, сўнгги 10 йилда бутунлай янги қиёфа касб этган, барча шароитлар билан тўла таъминланган таълим муассасалари ёшларнинг ҳам ақлан, ҳам жисмонан соғлом улғайишлари учун хизмат қилмоқда. Дарсдан кейинги бўш вақт — ҳуш вақтга айланаётганини биргина спорт тўғрақларининг доим ёшлар билан гавжумлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Нукус шаҳридаги 41та умумтаълим мактабида ҳозир 33038 нафар ўқувчи тахсил олмоқда, — дейди Нукус шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг жисмоний тарбия фани бўйича кичик гуруҳ методисти Байрам Исмаилов. — Шундан жисмоний тарбия дарсларида 32888 нафар (16161 нафари кизлар) ўқувчи иштирок этади. Уларга 189 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси (55 нафари аёллар) таълим-тарбия бериб келмоқда. Умумтаълим мактабларида 281та спорт тўғраги ташкил этилган бўлиб, уларга 11943 нафар ўғил-қиз жалб қилинган. Шунингдек, шаҳримиздаги 4та болалар ва ўсмир-

лар спорт мактабида 94 нафар мураббий фаолият юритмоқда. Уларда спортнинг 26 туридан 268та спорт секциялари ташкил этилган. Шаҳар тасарруфидаги умумтаълим ҳамда Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 48та спорт зали, 98та спорт майдончаси, 27 баскетбол, 20 волейбол, 6 кўл тўпи, 33 футбол, 10 мини футбол майдони, 2 теннис корти мавжуд.

Мазкур йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 31 январдаги ПҚ-2118-сонли қарори асосида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2014 йилги манзилли дастури доирасида Нукус шаҳридаги 3-сонли ихтисослаштирилган Олимпия захи-

ралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабида капитал реконструкция, 4-сонли спорт гимнастикаси бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилиб, фойдаланишга топширилди. Ана шундай барча имкониятларга эга таълим муассасалари ва спорт мактабларида «Умид ниҳоллари-2015» спорт мусобақаларининг Нукус шаҳар босқичи кўтаринки кайфиятда ўтказилди.

Ноябрь ойида илк мусобақа 1—4-синфлар ўртасида спортнинг стол тенниси туридан Республика Теннис мактабида ўтказилди. Унда 160 ўқувчи (80 нафари қизлар) иштирок этади. Республика

2-сон кўп тармоқли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида эса енгил атлетика мусобақасида 328 нафар ўқувчи қатнашди. Шунингдек, спорт гимнастикаси ва бадий гимнастика мусобақалари ҳам жуда қизгин тарзда кечди.

5—7, 8—9-синф ўқувчилари ўртасида спортнинг баскетбол, волейбол, кўл тўпи, футбол, стол тенниси турлари бўйича беллашувлар ҳам муросасиз курашларга бойлиги билан ажралиб турди. Ҳалилар I, II, III даражали диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди ҳамда кейинги босқич йўлланмасини кўлга киритишди.

Несибеги
Мамбетирзаева,
«Ma'rifat» мухбири

ҲАМ СПОРТЧИ, ҲАМ ТАДҚИҚОТЧИ

Юртимизда истеъдодли ўғил-қизлар кўп. Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг шаҳару қишлоқларида яратилган замонавий шарт-шароит ва қулай имкониятлар уларнинг ўз иктидорини тўла намоён этиб, ҳар соҳада муваффақиятга эришишида муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, жисмоний тарбия ва спортга бўлган юксак эътибор натижасида маҳаллий ва халқаро мусобақалар ғолиблари сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Шахрисабзлик Дилобар Саидова ҳам ана шундай тиришқоқ ёшлардан бири.

У машҳур спортчи акаю опаларига ҳавас қилиб, улар юрган йўллардан аста-секин ўтмоқда, тажрибасини, билимларини оширмоқда. Енгил атлетика билан шугулланаётган Дилобар қисқа фурсатда бир қатор ютуқларга ҳам эришди. Хусусан, Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтган Осиё чемпионатида тенгдошлари орасида тенгсизлигини исботлаб, диёримизга олтин медаль билан қайтди.

У билан суҳбатлашсангиз, аввало, 2012 йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатини ҳаяжон билан эслайди. Чунки айнан шу мусобақада

кўлга киритган ғалабаси унга олтин медаль билан бирга олий таълим муассасасига имтиёзли равишда кириш имконини берганди. Дилобар ҳозир Қарши давлат университетининг 3-босқич талабаси. Шунингдек, у спортча юриш бўйича ҳам Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси.

— Дарсда ҳам, майдондаги машғулотларда ҳам фаолликка интиланман, — деди Дилобар. — Биласизми, қачон спорт залига йўл олсам, ортимдан маҳалламиздаги ёш қизлар эргашади. Улар менинг ҳаракатларимни завқ билан кузатишади, ҳатто уларнинг орасида спорт билан

шугуллана бошлаганлари ҳам бор. Бундан, албатта, қувонаман. Уларга ўзим билганларимни эринмай ўргатаман.

Суҳбат чоғида, Дилобарнинг қўлида инглиз ва рус тилларидаги китобларни кўриб, сабабини сўрадик. Шунда у илмда ҳам ўз имкониятларини синаб кўрмоқчилигини айтди. Хотин-қизлар ва спорт соҳасидаги уйғунликка доир мавзуда илмий иш қилиш ниятида юрган экан.

Ҳа, юрт ишқи, ҳаёт завқи билан нафас олаётган ёшларимизнинг ўй-хаёллари беғубор, юксак. Ҳар бири ўз истеъдодини намоён этишни, жаҳон ареналарида Ватанимиз байроғи музаффар ҳилпираб туришига ҳисса қўишни istайди. Бунинг учун ўқишда, ишда ва оила давраида муносиб таълим-тарбия олиб, яратилган шароитлардан самарали фойдаланилса бўлгани — ўғил-қизларимиз марраларни, албатта, забт этади.

Шоҳида ЭШМАМАНОВА
Қашқадарё вилояти

МУСОБАҚАДА КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига қарашли спорт мажмуасида Турон якка кураши бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатининг ғолиб ва совриндорлари, шунингдек, мутлақ ғолиби ҳам аниқланди.

Ўзбекистон Турон якка кураши федерацияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорликда ташкил этган мусобақада юртимизнинг барча вилоятларидан сараланган 134 нафар полвон 11 вазн тоифаси-

да ўзаро куч синашди. — Турон якка кураши миллий спорт турларимиздан бири. У болани мард, жасур, руҳан тетик, иродали, ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялайди. Ота-боболаримиз майдонда кураш тушиб

жангларда пишиб катта бўлган. Бизнинг фарзандларимиз бугунги тинч-тотув кунларда мазкур спорт тури билан шугулланиб, юртимиз шон-шухратини дунёга янада донг таратишга ўз ҳиссасини қўшмоқда, — деди Фарғона вилояти 3-сонли Олимпия захиралари спорт мактаби мураббийи Гулчехра Абдурасулова.

Айтиш жоизки, кураш баҳслари жуда

қизғин ва муросасиз кечди. Якунда ғолиб ва совриндорлар номи маълум бўлди. Оғир вазн тоифасидаги полвонлардан 4 нафар спортчи — Шоасқар Ўсмонов (70 кг), Фахриддин Жуманов (80 кг), Ҳамидбек Полвонов (+90 кг), қизлардан Шахло Иброҳимова мусобақанинг мутлақ ғолиблари деб топилди.

Одина
Кулмуродова,
«Ma'rifat» мухбири



ГУРУҲ БОСҚИЧИ ТУГАДИ

Футбол бўйича кўхна қиёфа яшил майдонларидан давом этаётган Европа чемпионлар лигаси ҳамда Европа лигасининг гуруҳ босқичи етакчилари аниқланди. Энди плей-офф баҳслари учун 15 декабрь кунги кураш ташланади.



ЕЧЛнинг 1/8 финали қарам-қаршилиқларини аниқлаш учун, одатдагидек, икки саватча ҳозирланган. Унга кўра, Испаниядан учта («Барселона», «Атлетико» ва «Реал»), Германиядан иккита («Бавария», «Боруссия Д»), Франция («Монако»), Англия («Челси») ҳамда Португалиядан биттадан («Порту») клублар илк саватга жойлаштирилади.

ЕЧЛнинг 1/16 финали учун қураш ташлаш маросимида мазкур мусобақанинг гуруҳ босқичида ўз қавратида 1-ўринни олган клублар, шунингдек, ЕЧЛ гуруҳ баҳсларида энг яхши натижа кўрсатган 4-ўрин соҳиблари илк саватга тушади. Иккинчи саватчадан 2-ўринни олган 12 жамоа ҳамда ўз гуруҳида учинчи бўлган кўрсаткичи паст ЕЧЛ жамоалари жой олади.

ҚИШНИНГ НАФИС МУСОБАҚАСИ

Шу кунларда Барселона шаҳрида фигурали учуш бўйича саккиз йўналишда Гран-при туркумидаги нуфузли мусобақанинг ҳал қилувчи баҳслари бўлиб ўтмоқда.



Унга кўра, йил давомида ўтказилган олти босқич натижалари бўйича сараланиб, финалгача етиб келган АҚШ, Канада, Хитой, Россия, Франция, Япония каби мамлакатлардан қучли спортчилар Каталония пойтахтига ҳам бўлди. 15 декабрга қадар жуфтлик ва аякалик (аёллар, эркаклар) ҳамда рақс шартлари бўйича қисқа ва кенгайтирилган дастурлар намоён бўлиши эъланди.

Иштирокчилар орасида японлардан Юдзуру Ханю, Такахито Мура ва Тацуки Мачида, Канададан Кейтлин Уивер ва Эндрю Поже, Америкадан Мэдисон Чок ва Эван Бейтс сингари юлдузлар бор. Эмтиборлик, мезонлардан фақат бир нафар — икки қарра Европа чемпиони Хавьер Фернандес қатнашмоқда.

ЎЗЛАШТИРИЛГАН МИЛЛИОНЛАР

«Reuters» ахборот манбасида келтирилишича, Бразилия волейбол конфедерацияси ҳомийлар маҳаллий спортчиларни қўллаб-қувватлаш учун тақдим этган маблағларни ўзлаштиришда айбланмоқда.



Аудиторлар 2010—2013 йилларда муқофот сифатида «Banco do Brasil» компанияси ажратган пулларни белгиланган тартибда сарфламай, ўзбосшимчilik билан конфедерациянинг ички ҳатийжалари учун харж қилиб юборган.

Шу боис компания конфедерация билан алоқаларини ўзиб, шартномани Бекор қилмоқчи. Ҳомийлар бу билан чекланиб қолмай, тегишли ташкилотта қатъий муқожаат этиб, спорт уюшмасининг айни пайтдаги ва соҳиб раҳбарлари томонидан талон-торож қилинган жами 30 миллион реалнинг (тахминан 11,32 млн доллар) ўқдирилишини талаб қилмоқда.

Маълумотларга кўра, «Banco do Brasil» 2010 йилдан буён мамлакатда волейболни ривожлантириш учун ҳар йили 26,5 млн доллар ажратаятган экан.

ЖАНГ АРАФАСИДАГИ ЎҒРИЛИК


Британиялик боксчи Амир Хон Дунё боксчи-лар кенгаши (WBC Silver) таснифидagi жаҳон чемпионлиги камари учун америкалик Девон Александрга қарши тилларанг шортида жанг ўтказди.

Маълумотларга кўра, мазкур воқелик арафасида Амирнинг 24 қаратили олдидан жоло бериб ишланган, қиймати 30 миң фунтга тенг оқ рангли спорт либосини номаълум кишилар ўрчилаб кетган...

WBC Silver тансифининг чемпионлиги камари учун жанг бугун Лас-Вегас (АҚШ) шаҳрида ўтказилди. 28 ёшли Амир Хон ҳозиргача 32 марта рингга чиқиб, 29 бор зафар қўчган. У мазкур мушлатишда ғалаба қозонса, WBC ва WBA таснифлари чемпиони Флойд Мейвезер билан «урашши» имконига эга бўлади.



КОНСТИТУЦИЯ МОДДАЛАРИ — БИЙРОН ТИЛЛАРДА



Юнусобод туманидаги 53-мактабга таълим муассасасида Асосий қомусимиз қабул қилинган санага бағишлаб "Қомусимиз — бахтимиз" мавзусида тадбир ташкил этилди.

Кўргазмали чиқишларда ҳуқуқий билимлар, Конституциямиз моддалари мурғак қалб соҳибларининг бийрон тилларида ифодалангани ота-оналар, маҳалла фаоллари ва педагог-тарбиячиларга завқ бағишлади. Болажонлар моддаларни ёддан айтиш асносида она табиятни асраб-авайлаш, билим олиш, кексаларга ҳурматда бўлиш ҳақидаги тushunchalarini баён қилдилар. Давлат рамзларини шеърлар орқали мадҳ этдилар.

— Тадбирга тайёргарлик жараёнида кичкинтойлар давлат рамзлари, моддалар моҳиятини очиб берувчи суратлар туширилган кўргазмали воситаларни ўз қўллари билан тайёрлади, — дейди тарбиячи Сурайё Қиличева. — Бу болажонлар қалбида Бош қомусимизга нисбатан ҳурмат ва ифтихор ҳиссини оширди.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.



ҚОРАЎЗАКДА ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак туманида замонавий болалар спорти мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Ёш авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча қулайликлар яратилган мазкур мажмуада Нукусдаги "Ислақ қурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари 2 миллиард 240 миллион сўмликдан зиёд бунёдкорлик ишларини бажарди.

— Айни пайтда бу ерда болалар спортнинг беш тури билан мунтазам шуғулланиш имконияти мавжуд, — дейди спорт мажмуаси раҳбари

Bolalar sporti



Мубарек Айтимов. — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган мажмуада "Умид ниҳоллари" мусобақасига киритилган барча спорт турлари бўйича машғулотлар олиб борилади.

Туманда 23 спорт зали, 96 спорт майдончаси ёшларнинг жисмонан ва маънан соғлом вояга етиши учун хизмат қилаётир. Иккита болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларида спортнинг 8 тури бўйича ташкил этилган тўғарақларда 1 минг 500 нафарга яқин ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА мухбири
М.ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта махсус
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, фан ва маданият
ходимлари касба uyushmasi
Respublika kengashi.

Бosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. F-1224. Tiraj 38969.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qog'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

ЎЗА yakuni — 21.45 Topshirildi — 22.15

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir:
Sanjar RUSTAMOV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

1 2 4 5